




ТОШКЕНТ

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган

Шаҳар ижтимоий-
саноат газетаси

ОҚШОМ

№ 123-124 (9.013) (9.014)

1997 йил


31 октябрь, жума

Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН—ВЕНГРИЯ:

ҲАМКОРЛИК УЎҚЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДА

ВЕНГРИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ АРПАД ГЕНЦНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИ ДАВОМ ЭТМОҚДА



вазирлиги ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Ислам Каримов ва Арпад Генц якка-якка суҳбат чоғида ҳамда музокараларда кўриб чиқилган масалалар бўйича ҳар икки давлатнинг нуктаи назари яқин ва ўхшаш эканлиги намоён бўлганини айтишди.

Матбуот анжуманида Ислам Каримов сўнгги кунларда Тожикистонда ўқ берётган воқеалар ва мазкур воқеалар ҳусусидаги гапларга тўхталиб, жумладан бундай деди: — Тожикистонда содир бўлаётган воқеалар — ушбу мамлакатнинг ички иши. Бирок, сўнгги вақтда Россия оммавий ахборот воситаларида Тожикистондаги тартибсизликлар, ҳусусан, икки мамлакат чегараси яқинидаги мождарлар ўзбекистон томонидан рағбатлантирилади, деган фикрлар кўп айтиляпти. Бу чиқишларнинг қай мақсадда ва ким томонидан амалга оширилётгани барчага маълум. Айрим сиёсий қучлар Марказий Осиёдаги шувш ҳам мураккаб вазиятни издан чиқариш, минтақада кескинликни оширишни кўзлаб шундай йўл тутаётгани сир эмас!

Айрим мамлакатларда мавжуд ички муаммолардан, ҳокимият учун кураш уйилларидан кенг жамоатчилик кўзини шамғалат қилиш учун мана шундай бўҳтонлар, сиёсий найранглар ўйлаб топиллаётган. Ваҳоланки, нима бўлса-да, ўзбек тожикка, тожик эса ўзбекка ҳеч қачон қарши бормайди. Комил ишонч билан айтиш мумкин, икки миллатни бир-бирига қарама-қарши қилиб қўйиш йўлидаги ғарзли мақсадлар ҳеч қачон самара бермайди.

Анжуманда Ислам Каримов Афғонистонда кечаётган воқеаларга ҳам тўхталиб, бу мамлакатдаги мождарларни фақат музокаралар йўли билан бартараф этиш мумкинлигини таъкидлади.

— Бундан бошқа йўл йўқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди, — деди Ислам Каримов, — «Толибон» ҳаракатига келсак, шунинг керакки, толиблар Покистон, Саудия Арабистони ва Бирлашган Араб Амирликларидан бошқа ҳеч қайси давлат томонидан расмий ҳукумат сифатида эътироф этилмаган ва ташқи оламдан ажралиб қолган. Шу омилларнинг ўзидек бир кун келиб «Толибон» раҳбариятини музокараларга розилик беришга мажбур қилади.

Венгрия Президенти Арпад Генц ўзининг Ўзбекистонга ташрифи ҳусусида тўхталиб, унинг самарали бўлаётганини айтиди: — Ўйлаيمانки, Ўзбекистон билан Венгрия ўртасидаги ҳамкорлик нафақат давлат ва ҳукумат, балки ишбилармон доираларда ҳам юксак босқичларга кўтарилди. Ўттиз кишидан иборат ишбилармонлар гуруҳининг бизга ҳамроҳ бўлиб келгани ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтиришга хизмат қилади. Музокаралар чоғида ўзаро тажриба алмашиш ва бир-биримизга қай томонлама ёрдам кўрсатиш мумкинлигини ўрганишга келишим олдик. Шунинг учун, ўзаро тил топишимиз кўп жиҳатдан осон кечади, деб ўйлайман.

Президентлар журналистлари қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида Венгрия Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини Ў. Султонов ҳамроҳлигида В. Чкалов

номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига борди. Олий мартабали меҳмон бирлашма фаолияти билан яқиндан танишар экан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик, автомобилсозлик, тоғ-кон металлургияси ва қўпгина бошқа соҳалар билан бир қаторда, самолётсозликда ҳам катта ютуқларни қўлга киритаётганини эътироф этди.

Венгрия Президенти Арпад Генц Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ташриф буюрди. Олий Мажлис Раиси Э. Халилов билан бўлиб ўтган учрашувда А. Генц Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи фаолияти билан танишди. Меҳмон мамлакатимиз қонунчилик соҳасидаги ўзгаришлар, ҳусусан,

БУГУНГИ КУН НАФАСИ



МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал қурилишни ташкил этишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра қўл йиллик самарали меҳнати, халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва тотувликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол қатнашаётганлиги учун «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлимининг раиси Соиб Усмонов «Дустлик» ордени билан мукофотланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларида кўра Ватанимиз обрўсини, шон-шуврати ва шарафини юксалтиришга қўшган улкан ҳиссаси ҳамда дунё миқёсида эришган катта ютуқлари учун бокс бўйича жаҳон чемпиони Руслан Чагаев ва профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони, «Олтин камар» соҳиби Артур Григорянга «Ўзбекистон белгиси» кўраки нишони берилди.

Республика Олимпия шон-шуврати музейида Ўзбекистоннинг икки атоқли чемпиони — Руслан Чагаев ва Артур Григорянни қутлаш маросими бўлди. Президентимиз Фармонларида кўра «Ўзбекистон белгиси» нишони билан тақдирланган жаҳон чемпионларига юксак мукофотлар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларида кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Азимжон Мухиддинов Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини таъинлади. Маркс Жуманиёзов нафақага чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирини вазифасидан озод этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг бўлиб ўтган мажлисида жорий йилнинг 9 ойида Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш яқунлари ва мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.


Республика прокуратураси хайъатининг бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида қишлоқ хўжалигида туб ислохотларни амалга оширишда қонунчиликни таъминлаш борасидаги долзарб вазифалар муҳофаза этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан солиқлар ва йиғимларни ундиришни тартибга солиш тўғрисида» қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалик қорхоналарини санация қилиш масалалари бўйича ҳукумат комиссиясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг «Бож тарифи тўғрисида»ги ва «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунлари амалга киритилди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори»



1997 йилнинг Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган ва бу борада амалга оширилган тадбирларга юқори баҳо берди.

Шу кунги Венгрия Республикаси Президентини Темирйиллар тарихи давлат музейида бўлди. Олий мартабали меҳмон Соҳибқирон Амир Темир ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи ноёб экспонатларни кўздан кечирди ва юртимизда миллий қадриятларни тиклаш, маданият меросини эъзозлаш, улуғ аجدодларимиз руҳини шод этиш борасида кўзга кўринарли ишлар амалга оширилаётганидан мамнуният изҳор этди.

Венгрия Республикаси Президентини Арпад Генцнинг Ўзбекистонга ташрифи давом этмоқда.

(ЎЗА).

СУРАТДА: қўшма хужжатларни имзолаш пайти.

А.Тўраев олган сурат.

сарлавҳали китобни ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этди. Ушбу китобдан Президентимизнинг Олий Мажлиси IX сессиясида сузлаган нутқи, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Қарорлар тайёрлаш Миллий дастури ва бошқа ҳужжатлар урин олган.

ЖАХОНДА

Россия Мудофаа вазирини Игорь Сергеев Қозғистонга расмий ташриф билан борди.

Кеча Франция Бош вазирини Л. Жоспеннинг Москвага расмий ташрифи бошланди.

1-2 ноябрда Красноярскда Россия Президенти Б. Ельцин билан Япония Бош вазирини Р. Хасимотонинг учрашуви ўтказилди. Унда асосан Қуриль ороллари муаммолари ҳусусида суз борди.

Чеченiston парламентининг республика президенти А. Масхадовга қўшимча ваколатлар бериш рад этди. А. Масхадовнинг ўзи ҳозир оиласи билан Туркияда дам олмоқда.

Бугун Болгария Вазирлар Кенгашининг Раиси Иван Костовнинг Украинага қилган икки кунлик расмий ташрифи ниҳоясига етди.

Тожикистон президентининг гвардияси чегарачилар билан биргаликда исёнкор полковник Махмуд Худойбердиев гуруҳини тор-мор қилди.

Кеча Ирландияда президентлик сайловлари ўтказилди.

Замбия ҳукумати кичик зобитларнинг мамлакатдаги тузумни ағдариш юзасидан муваффақиятсизликка учраганидан кейин фавқулодда ҳолат эълон қилди.

Бокуда Озарбайжоннинг собиқ икки президенти — А. Муғалибов ва Н. Элибейларнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган сармоядор ўз идорасида ўлдирилди.

Анжуманлар

АЁЛЛАРИМИЗ САЛОМАТЛИГИНИ ЎЙЛАБ

Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси ҳузуридаги «Аёллар ва саломатлик» ассоциацияси томонидан ташкил этилган анжуманлар туркуми Тошкент, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан келган тингловчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Маълумки, «Аёллар ва саломатлик» ассоциацияси ўтган йили ташкил этилган эди. Унинг фаолиятидаги асосий йўналиш аёллар саломатлигини муҳофаза этишдир. Бу борада ассоциация катта ташкилий ва маърифий ишларни олиб бормоқда, жумладан тегишли услубий адабиётларни чоп этмоқда.

Ассоциация фаолиятининг энг самарали йўллари билан бири маҳалла хотин-қизлар кенгашиларининг вакиллари, мактабларнинг директорлари ва илмий бўлим мудири иштирокидаги анжуманлар бўлиб қўймоқда. Фаол аёллар ана шундай анжуманларда иштирок этганларидан кейин худди шундай тадбирларни жойларнинг ўзида, яъни маҳаллалар, мактаблар, қорхоналарда ўтказиб аёллар саломатлигини сақлаш, оналик ва болалик масалаларига йўналтирилган маърифий ва

Ўз муҳбиримиз.

Обуна — 98

Обуна — 98

Обуна — 98

Обуна — 98

«ОҚШОМ» ҲАР ДАҚИҚАДА ЗАРУР

• Иброҳим ҒАҒУРОВ, Ўзбекистон «Миллий тиклаш» демократик партиясининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати: — Мен «Тошкент оқшом»ни 31 йилдан буён мунтазам ўқийман. Унинг ҳар бир сонини ташналик билан, интизорлик билан куттиш оила даврасида ҳам одат бўлган. Негаки газетада илк сонлариданоқ ўз мавзулари, юзига эга бўлди.

Пойтахт янгиликлари, машҳур кишилар ҳаётини қизиқарли, фақат ўзига хос усулда ёритади. Айниқса, «Оқшом»нинг фан, адабиёт ва маданият вилоятлари вакиллари иштирокида ўтказилган маърузалар тингловчиларга манзур бўлмоқда. Шу билан бирга тингловчилар аёллар саломатлигини сақлаш, болаларни тарбиялаш, оилада яшаш муҳити яратиш бўйича ўзларини қизиқтирган барча маълумотларга ҳам эга бўлмоқдалар.

Ўз муҳбиримиз.

мумкин. Ҳозир «Оқшом» таҳририятида забардаст ижодий жамоа фаолият кўрсатаяпти.

Шу сабабли «Оқшом» ўзининг энг яхши аъёнларини изчил давом эттириш билан бирга, янги-янги руҳ, мавзу ва йўналишлар очмоқда. Унинг имкониятлари кенг, «Оқшом» — ҳар бир

Азиз муштарийларга эслатиб ўтмоқчимиз — бизнинг газетамизда обуна нархлари қуйидагиларга белгиланган:

Абонент кутига	Ҳар ой	Ҳар йил
1 ойга	104 сўм	156 сўм
3 ойга	312 сўм	468 сўм
6 ойга	624 сўм	936 сўм
1 йилга	1248 сўм	1872 сўм

«Оқшом»га Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида чекланмаган миқдорда обуна қабул қилинади.

Нашр индекси — 209.



«Оқшом» Сизнинг газетангиз. Унга обуна бўлишга шошилиш!

Ф.МТ-1		«Ўзбекистон почтаси» Давлат - Акционерлик компанияси									
АБОНЕНТЛИК	газета										
Тошкент		(нашр кўрсаткичи)									
ОҚШОМИ		Обуна сонини									
1998 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга											
(Почта индекси)											
Кимга											
(Фамилияси, исми ва отасининг исми)											
НАШРНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚАСИ											
п. в.		Жойи									
Тошкент											
ОҚШОМИ											
Обуна		Баҳо		сўм		Обуна сонини		сўм			
1998 йил учун (ойлар бўйича)											
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12
Қаерга											
(Почта индекси)											
Кимга											
(Фамилияси, исми ва отасининг исми)											



Германиялик таниқли исломшунос олим ва шоир Хидоятуллох Ҳубш республикамиз ҳаёти билан танишди. Хидоятуллох Ҳубшнинг асли исми-шарифи Паул Герхард Максимилиан-дир. У ислом дини тўғрисида эллиқдан ортиқ китоб ёзиб, чоп эттирган. Унинг қаламига маъсуб «Муҳаммад алайҳи салом йўли», «Ислом космологияси», «Мақбул дин ахтариб», «Исломдаги башоратлар» китоблари алоҳида эътиборга моликдир.

Олим ва шоир Хидоятуллох Ҳубш Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилди, пойтахтимиз Тошкент шаҳри билан яқиндан танишди.

Биз жаноб Ҳубшга мамлакатимизга сафари таассуротлари билан ўртоқлашни сўраб, бир неча саволлар билан мувожаат қилдик.

— Жаноб Ҳубш, Сиз, бир неча кундирки, республикамиз ҳаёти билан танишдингиз. Мустақил Ўзбекистон ҳақидаги таассуротла-

— Жуда ҳақ гапни айтдингиз. Мен Самарқанд сафаримда бу кўҳна ва навқирон шаҳарга бағиш-лаб, битта кўшиқ ёздим.

— Ҳубш жаноблари,

Биз ва дунё

«ПОЙТАХТИНГИЗ МЕНГА ЖУДА ЁҚДИ»

рингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Аввало, юртингизга ташир буюриш, Тошкент, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қила олиш имконига эга бўлганимдан Оллоҳга беадад шукрлар айтаман. Бу ерда мен ўзимни худди уйдагидек ҳис қиламан. Бунинг боиси, албатта, халқларимизнинг бир-бирларига жуда яқинлигидан бўлса керак, деб ўйлайман. Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари менда чуқур таассурот қолдирди. Бу ерда ўтмиш ва ҳозирги замон бир-бири билан уйғуллашиб кетган. Мамлакатингиздаги инфратузилмалар ривожланиши, шаҳарлар қиёфаси, кенг ва озода кўчалар, одамлар билан суҳбатлашганимизда уларнинг очик, самимий, дўстона муомалаларини кўриб, миллий фахр-ифтихор туйғуларини туйиб бениҳоя хурсанд бўлдим. Бугунги кунда мамлакат келажак йўлида кенг қўламда сармоялар сарфланмоқда. Беш-ўн йилдан сўнг юртингиз жамоли таниб бўлмас даражада ўзгариб кетади...

— Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги ҳамкорлик, халқларимизнинг дўстона алоқаси кундан-кунга ривож топиб бормоқда. Бу жараён, албатта, ижод аҳлини ҳам янги асарлар ёзишга илҳомлантириши табиий, шундай эмасми?

биз Сизни Франкфурт (Майн)даги «Ислом» нашриётининг бошқариш, шу билан биргаликда, Хессен ўлкасининг жамоатчилик асосидаги ёзувчилар уюшмаси раиси сифатида ҳам яхши билармиз. Ўз ижодингиз ва нашриёт фаолияти ҳақида икки оғиз гапириб берсангиз.

— Мен бугунгача етмишдан зиёд китоблар чоп эттирдим. Улар асосан, шеърлар, насрий асарлар, романлардан иборат бўлиб, исломга қандай кириб келганлигини ҳақида ҳикоя қилади. Шеърли асарларимнинг кўпчилигини эса Германиялик ёш мусулмонларга бағишлаганман. Нашриётимиз «Ислом» деб аталади. Асосан, ислом мавзусидаги асарларни, адабиётларни чоп этиш билан шуғулланади.

— Пойтахтимиз Тошкент Сизга манзур бўлдим?

— Пойтахтингиз менга жуда маъқул бўлди. Замонавий бинолар, кенг ва шинам кўчалар, кўчалар, зор, соя-салқин хибонлар, меҳмондўст одамлари — ҳамма-ҳаммаси менда аҳолиб таассурот қолдирди. Насиб қилса, шахрингизга, юртингизга яна келиш ниятидаман, иншооллоҳ.

Суҳбатдош
Мирзаали АҚБАРОВ.

Миробод туманида жойлашган 1-касб-хунар мактабида ёшларни керакли касбларга ўргатиш бўйича ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу хунар маскани асосан «Тошкент» жойинвесткурилиш» корпорацияси оталигида фаолият кўрсатиб, унинг шахримиздаги барча курилиш трестларига хунар эгаларини тайёрлаб беради.

Ўтган йилдан бошлаб эса билим масканида тикувчиликни ўргатадиган гуруҳ ҳам ташкил этилди. Бу гуруҳ ўқувчилари касб-хунар эгаллагач «Қизил тонг» ҳиссадорлик жамиятида ўз меҳнат фаолиятларини давом эттиришди.

— Касб-хунар мактабимизда ўқувчиларнинг касб сирларини мукамал ўрганиб, етук мутахассис бўлишлари учун барча шароитлар маъжуд, — дейди касб-хунар мактаби раҳбари Қудратилла Турсунов. — Биз курилиш соҳаси бўйича — гишт терувчи, бетончи, тикловчи, авточилангар, дурадгор, кошкор сингари касбларни ёшларимизга ўргатамиз. Албатта, мактабимизга шу соҳага қизиққан ўқувчиларни қабул қиламиз. Агар улар ота-оналарининг қистови билан бу ерга келган бўлсаларда тез кунларда тажрибали педагог ва усталиримиз уларни, албатта бирор касбга қизиқтира оладилар. Хунар мактабимизда ўқувчи фақат бир касбни эмас, балки бир неча

касбни мукамал ўрганиб чиқади.

Бу йил хунар мактабига 450 нафар ўқувчи касб ўрганмоқда. Уларнинг 30 нафари

ди. Ана шу буюртмалар асосида бўлажак дурадгор ва кошкорлар ишлаб чиқариш усталари маслаҳати ва кўмаги билан машғулотдан бўш вақтларида меҳнат қиладилар. Улар усталари ясаган маҳсулотлари билан 8-республика ярмаркасида иштирок этишиб 1-даражали диплом билан тақдирландилар. Касб-хунар мактаби маъмуриятининг мақсади — туманда курилиш дўконини очиб, ўз кучлари билан

бош ва ётоқхона билан таъминланади. Бадиий хаваскорлик тўғрисида бор, ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун шарт-шароитлар етарли. Кутубхонамиздаги турли мавзудаги ҳама бадиий китоблардан фойдаланиб, ўқувчиларимиз ўз дунёқарашларини бойтадилар.

Баҳром Исроиллов бошқараётган дурадгорлик гуруҳи ишлари билан танишдик. Ҳар

Хунарининг қўли гул

ИШОНЧНИ ОҚЛАШАДИ

ўрта маълумотлилар, қолганлари эса 9-синф маълумоти-га эга. Келгуси йилдан бошлаб 9-синфини битириб келган ўқувчиларга ўрта маълумот ҳам беришни йўлга қўйиш режаланмоқда. 8 нафар педагог ва 29 нафар ишлаб чиқариш таълими усталари ўқувчиларга касб сирларини мукамал ўргатишади.

Ўқувчилар ясаган курилиш материаллари — эшик ва ромлар, уйлари безашда ишлатиладиган кошкорлик материалларига турли ташиқлот ва фирмалардан, аҳолидан кўплаб буюртмалар туша-

ишлаб чиқарилган маҳсулотларини аҳолига сотиш, ундан тушган маблағ эвазига эса ўзларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқувчиларга замонавий дастгоҳ ва асбоб-ускуналар сотиб олишдир.

— Ўқувчиларимиз 100 фоиз ишчи кийими билан таъминланади, — деди Қудратилла Турсунов шароитлар ҳақида тўхталиб. — Бундан ташқари оилавий шароитига қараб уларга кийим-бош ажратилади. Болалар уйларида тарбияланган ўқувчиларимиз эса 3 маҳал иссиқ овқат, кийим-

бир ўқувчи иш кийимида, усталари кўрсатаётган ишларни тезкорлик билан бажаришга интиломоқда. Уста эса ҳар бир болага эринмай нима қилиш кераклигини, асбоб-ускуналардан қандай фойдаланиш лозимлигини тушутирмоқда. Улар томонидан тайёрланаётган эшик ва ромларнинг сифати яхши бўлганлиги учун ҳам буюртмачилар сони ортмоқда.

Тикувчилик касбини эса қизларга тажрибали тикувчи ва педагог Ирина Воронян хамда Азиза Бухаровалар кунт билан ўргатишмоқда. Бу касбни

ўрганаётган қизларнинг тиккан кичик-кичик кўйлак, фартуклар диққатингизни тортади. Ҳа, бу қизлар момоларимиздан қолган, ўзлари учун ҳам ҳаётда жуда асқотадиган касб сирларини чуқур ўрганишга бел боғлашди. Хунар масканида тез-тез кўргазмалар ўтказилиб, уларда ўқувчиларнинг ишлари намойиш этилади ва баҳоланади.

1-автоташмирлаш заводи билан тузилган шартнома асосида ўқув масканида авточилангарлик касби ҳам ўргатилмоқда. Бу соҳани мукамал ўрганишда касб ўқитувчиси Қодирали Ҳожиёвнинг хизматлари катта бўлмоқда. Шунингдек, бош уста Саидхон Саидсумонов, уста Дониёр Қодировлар ҳам ўз касбларининг фидойилари ҳисобланади. Улар ўқувчиларга касб-кор ўргатишда бутун маҳоратларини ишга солишади.

— Биз педагоглар, — дейди касб-хунар мактаби раҳбари ўз сўзини давом эттириб, — касб эгаллаган ўқувчиларни ишга жойлаштириш олишини ҳам назорат қиламиз. Қурувчилик касбини эгаллаётган ўқувчиларимиз ўз амалий машғулотида шайхонларнинг қурилиш майдонларида ўтайдилар ва кўпинча ана шу ерларда ишлаш учун қоладилар.

Шарифа ИЛЁСОВА.

- 5 -

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонида кўз югуртирди Рустамнинг юраги ҳақиқат кетди. Чунки унда Муқимий номи мусикали театрининг актёрига Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист унвони берилгани эълон қилинган эди...

...Мана Рустам Қашқадарёнинг Касби туманидаги мактаб ўқувчиси. Қўшиқни дадаси каби жон-дилдан севувчи бола жуда эҳтиросли бўлиб ўсарди. Отаси Каромбобо Маъдиев радиода Таваккал Қодировнинг номи янграб қолса бас, барчага:

— Қани, бир жим бўлинглар-чи. Таваккал-а қўшиқ айтаётган! — деб буюрарди.

Бора-бора Рустам ҳам отаси каби ширин қўшиқ янграса жон қўлоғи билан тинглайдиган бўлди.

Рустам, айниқса, кечалари бўладиган дostonхонлики ёқтиради. Ақаси Мусажон «Гўрўли», «Алломиш» дostonларини ўқиганида, ўзини ўша қаҳрамонлар ўрнида кўради. Худди Доғистон тоғларидаги Ҳасанхонга айланарди. Хунхор элининг лашкарлари билан савашга киради. Ҳатто ўша қаҳрамонлар унинг тушига кириб чиқарди.

Ўрта мактабни тугатган, бир йиллар чамаси туман маданият уйида ишлади. Орзусига тезроқ етмоқчи бўлди чоғи.

— Ўқиган, маслаҳат беришди унга маданият уйидаги катталар. Сенга маслаҳатимиз Тошкентга бор, институтга кир.

Рустамнинг омади чопган эканми, 1974 йилда Маннон Уйғур номи Тошкент Давлат санъат (аввалги театр ва расомчилик) институтининг мусикали драма факультетига ўқишга кирди. Шу кундан эътиборан Рустам учун Муқимий театри иккинчи уй бўлиб қолди десак тўғри бўлади. У ҳар кун кечқурун томошага келарди. Актёрларнинг маҳоратларини кўриб, юрагиди марофат билан ҳавас бўлиб кетарди. «Қани эди мен ҳам уларнинг орасида бўлсам, ҳали Фарҳоду ҳали Махжунни ўйнасам», деб орзу қиларди. Ҳамза Умаров, Соиб Ҳўжаев, Турсунхон Жафаровнинг маҳоратидан сабоқ оларди. Ниҳоят орзуси ушалди унинг: ҳали талабаллик йилларидаёқ машҳур санъаткор, меҳрибон устоз Раззоқ Ҳамроев саҳнага қўйган

ИШОНДОРЛАРИМИЗ ИЛҲОМ БУЛОҒИ



«Шахзода ва етим қиз» томошасида Рустам ролини ижро этди.

— Режиссёрлардан жуда буюрган, — дейди Рустам Маъдиев.

— Раззоқ Ҳамроев, Бахтиёр Ихтиёров, Рустам Бобохонов, Баҳодир Йўлдошев, Носир Отабоев, Аҳад Фармоновларнинг ҳар бирини бир мактаб десам бўлади. Айниқса Рустам Бобохоновдан кўп нарсалар ўрганганман. Раҳматли доимо: «Ролни тушуниб етиб ижро этгин, тушунмасдан ижро этсанг, «ўзи бўлиб» кетмасанг, томошанин беиздириб қўясанг», дерди. Чиндан ҳам Муқимий театри саҳнасида ўтган йигирма йиллик умрида эллиқдан ортиқ роллар ижро этган Рустам Маъдиев бу ўғитларнинг мевасини кўрди. Ўзига яраша муҳлислар орттирди — тилга тушди. У яратган Навфал («Лайли ва Махжун»), Шолор («Фарҳод ва Ширин»), Норбойиача («Паранжи сирлари»), Амир Насрулло («Нодирабегим»), Абдурашитхон («Мухаббат навоси»), Ёлғорбек («Ватан ишқи»), Азизбек («Осуф ва Зулайхо») каби роллари томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Рустам Маъдиев кейинги пайтларда ҳам актёр, ҳам режиссёр, ҳам муаллиф сифатида танилди. «Бир

ўзингизни кўрсатиб қўймоқчи бўлиб-сиз-да» деб ҳазиллашганларга у жиддий шундай деди:

— Яширмайман, театримиз ҳозир қийин пайтни бошидан кечирипти. Унинг қаддини яна тиклаш учун ким нимага қодир бўлса кўрсатиши керак. Мен ҳам кучимни синая кўрдим.

«Севги нидоси»дан кейин Рустам Маъдиев «Девона» томошаси устидан иш бошлади.

— «Девона» ҳаётда бўлганми, деб сўрашди, — ҳикоя қилади у, — бўлган. — Фақат ҳаётда бўлиб ўтган бир неча воқеани бир томошага жамладим. Биласизми, уйимиз олдида бир девона бўлар эди. Эртдан кечгача сандироқлаб юрар эди. Биров нон берарди, биров сув. Болалар қий-чув қилиб орқасидан юришарди. «У ҳам одам-ку, — деб ўйлардим. — Ахир унинг ҳам дарди, фожиаси бор-ку». Шу тарика пьесанинг сюжети туғилди. Саҳнага чиқди. Одамларга манзур бўлди.

Театр бу одамлар келиб хордиқ оладиган, айна пайтада сабоқ оладиган, мушоҳадаларга эрк берадиган маскандир. Буни унуттиш керак эмас. Томошага келган ҳар бир кишининг ўзига яраша ўй-фикри, дарди бор, ҳасрати бор. Биз ўшаларга маҳкам қўйишимиз, дардхал бўлишимиз керак эмасми? Токи енгил кетсин, дилак ёришиб чиқиб кетсин театрдан. «Фотима ва Зухра», «Оқибат», «Бу қандай бало» томошаларида шунга эътибор бердим. Шукр, одамларга ёқибди чоғи, томошага келишяпти.

Рустам Маъдиев рост айтди. Ҳатто унга тақдирчидедаму, «Нега овозингиз Махмуджон Гофуровникига ўхшаш?» деб сўраганимизда ҳам ростини айтди: «Махмуджон ака меннинг устозим бўлади. У киши энг охири қатордаги томошабинга ҳам сўзни тўлиқ етказиб беради. Мен шуни ўрганганман у кишидан».

Рустам Маъдиев ҳозир «Умрбоқий муҳаббат» томошасига тайёргарлик кўраётти...

У ўринидан аста турди. Чакки яшамабди, лекин бундан ҳам соз, сермаҳсул ишласа бўлади, ишлайди ҳам. Юксак мукофот унинг илҳом бўлогини жўш урдирди тайин!

У ижодхонасига кириб, ишга тушди. «Умрбоқий муҳаббат» мусикали драматизмга сўнгги сайқал бера бошлади...

Темура УБАЙДУЛЛО.

АБОНЕМЕНТНИ ТЎҒРИ ТЎЛДИРГАНЛИГИНИ ТЕКШИРИНГ!

Абонемента касса машинасининг муҳри босилган бўлиши шарт. Обуна ёки манзилгоҳни ўзгартиришни расмийлаштириганингизда касса машинаси бўлмаса, ушбу алоқа бўлимининг календарли штемпели босилиши керак.

Бу ҳолда обуначига, обунага ёки янги манзилгоҳга ўтказилганига пул тўланганлиги тўғрисида квитанция берилади.

Газета ва журналга обуна бўлганингизда ёки манзилгоҳ ўзгартиришни расмийлаштириганингизда карточкаларни сиёҳ билан, аниқ ва сўзларни қисқартирмасдан жадвалдаги қоидаларга риоя қилиб тўлдириш.

Ўзбекистон ёшларининг «Қамолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими қоида «Тошкент қизлари» клуби ташкил этилиб, ўз фаолиятини бошлади. Клубнинг яқинда бўлиб ўтган илк маслаҳат кенгашида кўпчиликини қизқариб турган долзарб ва умидбахш режалар белгилаб олинди. Қуйида «Тошкент қизлари»нинг дастлабки йигинида билдирилган баъзи фикрлар билан танишасиз.

• **Фарида АБДУРАХИМОВА, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг раиси:**

— Сизларни бу ерга тўллаб янги клуб тузишдан мақсадимиз фақатгина маданий дастурларни биргаликда томоша қилиш эмас. Орангизда турли соҳа вакиллари, бўлажак мутахассислар ўтиришибди. Бу клуб расом, врач, ўқитувчилар, молия, ҳуқуқ, банк соҳаси ходимларини ҳам умумий қизиқиш ва мақсадлар йўлида бирлаштиради. Қизларнинг у ёки бу муаммо, воқеаларга муносабати, қарашлари ўзгача бўлади. Кўпчиликини уйлантираётган муаммоларга биргаликда ечим топишимиз лозим. Хўш, бу муаммолар нимадандир қўринадир? Масалан, қизларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш, шунингдек уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, эртанги соғлом авлод давомчилари қилиб тарбиялаш учун яна кўп ишларни амалга оширишимиз керак. Бугунги кунда ҳаётга бутунлай ўзгача туйғулар билан қарамолдамиз.

• **Дилфуза ҒУЛОМОВА, республика диагностика марказининг директори:**

— Ёшлик даврини доимо ўзгача соғиниб қолмай эслашимиз. Негаки, ҳаётда ҳар бир ходисани илк бор кўрганда ҳайратланиш туйғуси кучли бўлади. Тасаввурларимиз эса

атрофдаги муҳит таъсирида ўса бошлади. Кўпчилик мендан: «Сиз Фафур Ғуломнинг қизи бўласизми?» деб сўрашади. Ҳа, мен у зотни ўзимга маънавий ота, деб ҳисоблайман. 5—6 ёшли қизалок эдим. Бир кун эрталаб радиодан мен ўқиган «Билиб қўйи, сени Ватан кутади» шеърини эшиттиришди. Бундан қарангки, худди ўша вақтда улуғ шоиримиз ҳам радио тинглаб утирган эканлар. Хуллас, кўп ўтмай, Фафур Ғулом уларнинг талавдун қўнлариди радио ходимлари орқали мени йўқабдилар. Ўқчи билан Арпапоёнинг ўртаси унчалик узоқ эмас. Ўша кун мен шоирнинг тўйида яна шеър ўқи-

дим. Ниҳоятда севинган Фафур Ғулом мени қўлида кўтариб, меҳмонларга: «Бу менинг қизим!» — деб тақдорлардилар. Ўшандан буюн жамоат ишларига фаол қатнаша бошладим. Оиламиз врачлар сулоласи эди. Мен ҳам тиббиёт институтига аспирантуранинг имтиёзли туғатиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилдим. Севимли ишим, оила, фарзандлар, келин ва набиралар — хуллас, инсон ҳаётидаги энг тугал БАХТ тушунчасини мен ана шуларда кўраман.

Биз тантанали кечаларда, дав-

«Қамолот»

«ТОШКЕНТ ҚИЗЛАРИ» КЛУБИ

ра суҳбатларида кўпроқ ютуқ ва қувончли кўнларимиз ҳақида гапирармиз. Лекин ҳаётда мўайян қийинчиликлар ҳам бўладики, уларни сабот билан, мардона ёнга олиш керак.

• **Мукаддас РАСУЛОВА, «Қамолот» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлимининг раисаси:**

— Хўш, келгусида даврани қай йўналишда давом эттирамиз? Кейинги ўрашувларимиз бир-бирига ўхшаш бўлмаслиги учун хилма-хил, қизқаркли фаолият режаларини белгилаб олишимиз зарур. «Тошкент қизлари» йигинини ҳар икки ойда бир марта уюштирсак қандай бўлади?

• **Зумрад ЙЎЛДОШЕВА, Тош-**

кент давлат юридик институтининг ўқитувчиси:

— Дарҳақиқат, аввало ҳаммамизнинг қизиқишларига мос, пухта уйланган дастур ва клуб Низомини тузишимиз зарур.

• **Жаҳона АБДУРАСУЛОВА, II Тошкент Давлат тиббиёт институти талабаси:**

— Клубимиз бугунгина туғилди. Келгусида ҳам клубимиз «Қамолот» билан ўзвий ҳамкорликда ишласатини бу давра янада кенгайди, дея ўйлайман. Негаки, «Қамолот» ёшлар ўртасидаги ташкилий ишларда катта таърибага эга.

• **Фарида АБДУРАХИМОВА:** — Шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ва «Қамолот» жамғармаси клубини ўз ҳомийлигига олади. Бинобарин, ҳар бир жараёндаги ўзаро ҳамкорлигимиз давом этади. Ҳаммамизни қизиқтирувчи умумий йўналишлар, саволлар жуда кўп. Масалан, бугунги ўзбек қизининг маънавий қиёфаси, унинг қийиниши, санъат даргоҳлари ва жамоат жойларида ўзини қандай тутиши керак? Чет тилларини ўрганиши, ижодий фаолият, мусика, миллий ўрф-одатлар, таом тайёрлаш, тикувчилик... Хуллас, фаолиятимиз тобора бойиб бораверади. Чунки, кўпчиликлдан турли фикр, муаммоларнинг энг мақбул ечимлари топилаверди. Асосий мақсадимиз — келажак эгалари — ҳар томонлама соғлом авлоднинг тарбиялашга ҳисса қўшишдан иборат.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ
ёзиб олди.

Бизнинг мамлакатимизда мустақилликнинг биринчи кунларидан бошлаб болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг ҳар томонлама камолотини таъминлаш йўналишида кенг қўламдаги ишлар бошлаб юборилди. Ўзбекистоннинг буюк келажаги тўғрисида тўхталар эканмиз, биз биринчи навбатда келгусидаги эркинлик, эзгулик ва одиллик дунёсида болаларнинг бахти тўғрисида ўйлашимиз керак.

Шуни айтиш жоизки, бахтли болалик дунёси — халқимиз томонидан англаб етилган эҳтиёждир. Болани қадрлаш одоб, муносиб ҳаёт тарзи миллат ахлоқий қиёфаси асосини ташкил этувчи миллий қадриятлар тизимининг аж-

Миллий маъруза

ЁШ АВЛОД КАМОПОТИ

ралмас қисмидир. Ва мустақилликка эришилиши билан ватан тарихи халқнинг ҳақиқий тарбиячиси бўлиб чиқаётгани ҳам бежиз эмасдир.

«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги конвенция моддаларининг бажарилиши тўғрисидаги миллий маъруза кўпгина муаммолар, биринчи навбатда бизнинг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий-таъминот соҳаларимиз олдида турган муаммоларни ойдинлаштирди. Биз улар тўғрисида очиқ гапирамиз. Вазифамиз — жамиятнинг бутун кучларини ушбу муаммоларни ҳал этишга сафарбар қилиш.

Бола ҳуқуқларини таъминлаш бўйича фаолиятимизда биз халқаро тажрибадан кенг фойдаланамиз. Шу билан бирга амалий фаолиятда биз биринчи навбатда фаолият миллий стратегиясини ишлаб чиқишни талаб этаётган мамлакатимиз ҳаёти йўналишларидан мўлжал оламиз.

Биринчидан, биз болалик муаммоларини оналик муаммолари билан узвий алоқада кўриб чиқамиз ва бу она ва бола ҳуқуқлари, она ва боланинг ижтимоий муаммолари, она ва бола саломатлигига яхлит тизим сифатида қараб сўзлашга имкон беради; иккинчидан, оила ҳуқуқларига биз жамият қурилишининг энг муҳим вазифаси бўлмиш — соғлом авлодни шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми сифатида қараймиз; учинчидан, тарбия ҳуқуқий маданиятининг шаклланишини биз маънавиятнинг, абадий барқарор миллий қадриятларнинг, болага меҳр ва ҳурматнинг тикланиши билан боғлаймиз.

Болалик дунёси — Ватанимиз буюк келажагининг пойдеворидир. Бола ҳуқуқларига риоя қилиш, соғлом авлодни фаол шакллантириш — шундай вазифаки, унинг ечими миллий тарихимизни янги мазмун билан бойитади, инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга ошириш йўналишидаги ўз ижтимоий тараққиётимизнинг мазмунини белгилайди.

Владимир ИСҲОҚОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий
марказ директорининг ўринбосари.



Танловлар

МУҚАДДАС НЕЪМАТ

«Солнышко» газетаси ўтказган болалар расмлари республика танлови «Инсон ҳуқуқлари олами — болалар нигоҳида» деб номланди. Энг яхши расмлар Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ қошида очилган доимий фаолият кўрсатувчи экспозицияга қўйиш учун танлаб олинди.

Севиш ҳуқуқи, аниқроғи умр йўлдошини танлаш эркинлиги ҳуқуқини ўзида акс эттирган бир неча расмларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. Бу келин ва кўев тўйгача бир-бирларини билмасликларни учраб турган аъналар, шаклланган

меъёрларга зид кўриниши мумкин. Бундай ҳолларда никоҳ — оилалар ўртасидаги келишувдан иборат бўларди. Ромео ва Жульетта, Тохир ва Зухра, Уста ва Маргарита — ўз ҳаётларини севиш ҳуқуқи учун қурбон қилганлар. Бизнинг болаларимиз ушбу муқаддас ҳуқуқни ҳимоя қилишга тайёрлар. Бу янги замон нашидасидир. Ва севгисиз яшашни истамайдиган ўз болаларимизнинг маънавий етуликларини англашимиз керак. Улар пировард авлодни шакллантириш бўлган эркин жамиятда ўсмоқдалар.



ЎЗБЕКИСТОН — УМУМИЙ УЙИМИЗ

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича иккинчи Бутунжаҳон конференциясида (1993 йил 14 июнь, Вена) шу нарса алоҳида таъкидландики, «Инсон ҳуқуқлари инсониятнинг умумий тили, алоқа воситасини ифодалайди» ва «бутун сиёсатнинг умуминсоний меъёри ҳисобланади».

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга киритиши билан инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан, кам сонли миллат ва элатлар ҳуқуқ-эркинликларини тегишли даражада ҳимоя қилиш учун реал имкониятларга эга бўлди.

Республикаимизнинг эркинлик ва демократия тамойилларига содиқлиги биринчи навбатда мамлакатимизнинг Асосий Қонуни — 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган унинг Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституциянинг 4-моддасида республика ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аъналарни ҳурмат қилиниши, уларнинг ривожланиши учун шароит яратишни кўзда тутилган.

18-моддага мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар қонун олдида тенгдирлар».

Республикада демократия ва инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро алоқаларни ривожлантириш жараёнига муҳим эътибор қаратилмоқда.

БМТ ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг тўла ҳуқуқли аъзоси ва улар томонидан ўтказиладиган тадбирларнинг фаол иштирокчиси сифатида Ўзбекистон инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш ва ҳимоялашни мувофиқлаштирадиган кўпгина халқаро битимларга қўшилди. Чунончи, 1991 йил 30 сентябрдаёқ Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар декларациясига қўшилди. 1995 йилнинг 31 августидан Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Иркин камситишнинг ҳар қандай шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги халқаро конвенцияга ҳамда бир вақтнинг ўзида Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга қўшимча протоколга қўшилди.

Ўзбекистоннинг бошқа халқаро ва ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ҳужжатга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан ҳамкорлиги ҳам ривожланмоқда. Республикага таширф буюрган ушбу ташкилотларнинг вакиллари Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг амалда тадбиқ этилишини таъминлашга даъват этилган демократик институтлар ташкил этилган ва фаолият кўрсатгани, фуқаролик жамияти ривожланаётгани, тегишли халқаро ҳужжатлар тасдиқланганлигига ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини амалга ошириш ва ҳимоялаш бўйича кўп қиррали фаолият доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган кам сонли миллатлар ва элатларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш масалалари катта ўрин эгаллайди. Ушбу масала бизнинг кўп миллатли республикамиз учун алоҳида долзарб аҳамиятга эга. Зеро, бу ерда 130 га яқин миллат, элат ва

этник гуруҳлар вакиллари истиқомат қилади.

Республика Конституциясининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига дахлдор бўлган барча моддалари, республиканинг бошқа қонунлари, шунингдек, юқорида тилга олинган Ўзбекистон томонидан расман тасдиқланган халқаро ҳуқуқий актлар барча фуқаролар, шу жумладан кам сонли миллатлар қаторига киритилувчиларга тўла даражада тегишлидир. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Конституциянинг 21 ва 22-моддаларида Ўзбекистонда барча аҳоли учун тўғридан-тўғри тенг асосларда ягона фуқаролик ўрнатилади ва барчага «ҳуқуқий ҳимоя ва ҳимийлик» кўрсатиш кафолатланади.

Ўзбекистоннинг ҳамма фуқаролари билан бир қаторда бизнинг республикамиз ҳудудида истиқомат қилувчи барча кам сонли миллатлар вакиллари шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа тенг ҳуқуқ ва эркинликлар билан таъминланади. Ушбу ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолати эса ҳамма учун бир хилдир.

Кам сонли миллатлар республика иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий ҳаётининг барча баҳаларида фаол иштирок этиш учун тенг имкониятларга эгадирлар. Ушбу миллатлар вакиллари ишлаб чиқариш, адабиёт, санъат, таълим, фаннинг хоҳлаган соҳаларида ва шу билан баробар бошқарув тизимида учратиш мумкин. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги тадбиркорлик ва бизнеснинг ҳар хил соҳаларига тобора кенгроқ кириб бормоқдалар, шахсий, хусусийлаштирилган ишлаб чиқариш корхоналарининг эгалари бўлмоқдалар. Улар мустақил Ўзбекистонда ўтказиладиган кенг қўламли ислохотларни амалга ошириш умумий ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Мустақиллик қўлга киритилиши билан Ўзбекистоннинг барча халқлари, шу жумладан кам сонли миллатларнинг миллий, маданий, маънавий қадриятларини тиклаш учун катта имкониятлар пайдо бўлди. Масалан, собиқ мустабид тузумда жанговар давлат атеизми дунга сурган бўлса, ҳозир бизда турли хил динга эътиқод қилувчи кишиларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун барча жамоалар ва марказлар, масжидлар, черковлар, монастырлар, синагогалар ва шу қабилар ташкил этилган. Диндорлар бошқа мамлакатлардаги ўз диндорлари билан алоқа ўрнатиш, у ерлардан диний адабиётларни олиш, ўзлари учун муқаддас жойларни зиёрат қилиш ҳуқуқларига эгадирлар. Бунга Ўзбекистонда мавжуд бўлган сўз эркинлиги, виждон эркинлиги ва бир жойдан иккинчи жойга қўчиш эркинлиги имкон туғдиради. Кам сонли миллатлар ҳуқуқларини таълим, маданият, санъат, ижод ва бошқа соҳаларда амалга ошириш борасида биз учун янги бўлган 80 дан ортиқ миллий-маданий марказлар муҳим рол ўйнамоқда.

Ҳозир Тошкентда Ўзбекистон корейсларининг шаҳар маданий маркази, амалий ва маданий ҳамкорликка қўмаклашувчи «Ўзбекистон — Польша» ассоциацияси, рус маданий маркази, Ўзбекистонда қозоқлар маданий маркази, шаҳар яҳудийлар маданий маркази, Ўзбекистон корейс маданий марказлари ассоциацияси, «Батъившина» украинлар маданий маркази, Ўзбекистон киргизлари маданий маркази, Ўзбекистон бошқирлари ижтимоий-маданий маркази, Ўзбекистон немислар «Видербург» маданий маркази, шахар тожиклар маданий маркази

фаза қилиш идораларининг ўрни ва роли» деб номланади.

Семинарлар туркумининг иккинчи босқичи «Мустақил Ўзбекистон Республикасида суд тизими ва инсон ҳуқуқларининг кафолати, ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситаларининг роли» деб номланади ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда қонунларни такомиллаштириш, янги давлатнинг оёққа туришида қўмаклашувчи суд тизими, ички ишлар, прокуратура ва адвокатуранинг қонунчилик тизимидаги ролини оширишга қаратилган. Юқоридаги семинарлар уюшган жиноятчилик билан кураш ва унинг олдини олишга қаратилган замонавий қонунчиликни ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига тажриба алмашиш ва хорижий ҳамкасблари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш борасида катта ёрдам беради.

Сорос фондининг қўмағида Европа университетларидаги инсон ҳуқуқлари бўйича курсларга Миллий марказнинг икки ходими юборилди ва улар инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг замонавий тажрибаси билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Сорос фонди билан ҳамкорликда ўрта мактаплар учун инсон ҳуқуқлари бўйича дарсликларни тайёрлаш ва чоп этириш режалари ҳам бор.

Ягона оипада

зи фаолият кўрсатмоқда.

Кейинги пайтларда Тошкентда яна бир қанча маданий марказлар ташкил этилди. Улар қаторига «Гардашлиг» Озарбайжон маданий маркази, Арман маданий маркази, Заки Валидий номи бошқирлар ижтимоий-маданий маркази, «Свитенак» белоруслар маданий маркази, греклар ташаббус гуруҳи, Грузин маданий маркази, Дунган маданий маркази, Қорақалпоқ маданий маркази, Чигато маданий маркази, Уйғур маданий маркази, Туркман маданий маркази, Турк маданий маркази, Татар ижтимоий-маърифий маркази, «Светлица Польска» поляк ижтимоий-маданий маркази, Литва маданияти жамиятлари қиради.

Маданий марказлар ишини республика байналмилал маданий маркази мувофиқлаштириб туради. Ўзбекистон Халқлар дўстлиги уйи унинг тузилмавий бўлими бўлиб қолди.

Республика маданий маркази тўғрисидаги Низомда кўрсатилганидек бу мустақил муассаса маданий марказлар фаолиятига раҳбарлик қилиш, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган халқ ва миллий гуруҳлар удуғ, урф-одат, аъналарни ривожига, миллий, маданий, маънавий ва тилга оид талабларини ўрганиш, аниқлаш ва қондиришга қўмаклашди; бошқа мамлакатлардаги миллий ва байналмилал марказлар билан алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантиришга ёрдам бериш, республикада истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг байналмилал жиқлашувига қўмак бериш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш фаолияти билан шуғулланади. Марказ қошида миллий марказлар раҳбарлари, жамоат ва ижодий ташкилотлар вакиллари билан иборат жамоатчилик кенгаши фаолият кўрсатади. У Марказ томонидан амалга оширилаётган фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича иш олиб борадиган ҳар хил секторлар, комиссиялар, гуруҳлар тузади.

Марказ умумхалқ ва миллий байрамлар, расмлар кўргазмаси, ҳужжатли суратлар кўргазмаларини тайёрлаш ва ўтказиш, халқлар дўстлиги, миллий маданиятларнинг ранг-баранг томонларини тарғиб қилиш ишида қатнашади. Турли мамлакатларнинг элчихоналари, жамоат ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлайди, оммавий ахборот воситалари орқали миллий ташкилотлар ҳаётини ёритишга ёрдамлашади. Узининг барча ишини марказ Тошкентдаги, республиканинг бошқа вилоят ва шаҳарларидаги фаолиятларини ўзи мувофиқлаштириб турадиган миллий ва маданий марказлар билан яқин ҳамкорликда амалга оширади. Унинг ёрдамида қўлаб янги миллий-маданий марказлар ташкил этилди.

Марказлар фаолияти кўп қирралидир: миллий маданиятлар қунари ташкил этилади, кўргазмалар, бадий-хаваскорлик жамоаларининг чиқишлари, ижод билан машғул зиёлилар, қатор мамлакатлар элчилари билан учрашувлар, концертлар, илмий-амалий анжуманлар ўтказилади.

Мустақил Ўзбекистонда умуминсоний қадриятлар ва кам сонли миллатларнинг ўзига хос манфаатларини ҳимоялашга қаратилган халқаро актлар қойиладиган ва конституцион меъёрлар шу тариха амалга оширилмоқда.

Д. УЗОҚОВА,
Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий
марказнинг бош мутахассиси.

Инсон ҳуқуқлари

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ва
"Тошкент оқшом" газетасининг қўшма сони

Чинакам демократизм қонунларнинг қай даражада устуңлиги билан, ҳуқуқ ва эркинликлар қанчалик кенг берилгани, ижтимоий кафолатлар кучи билан белгиланади. Ҳар қандай давлат, айниқса, чинакам демократияга интилаётган давлат ўз халқи манфаатларини, ўз фуқароларининг ҳаёти ва эркинлигини ишончли ҳимоя қилишга қодир бўлмоғи даркор.

Ислом КАРИМОВ.

XXI аср бўсағасида инсоният то-талитаризмдан қатъий тарзда воз-кечмоқда, кўпгина халқлар муста-қиллиқни қўлга киритиб, ҳур ҳаёт-га қадам қўйдилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1995 йилдан 2005 йилгача бўлган даврни кур-рай заминдаги инсон ҳуқуқлари ўн йиллиги деб эълон қилди.

Бугун башарият жаҳон ҳамжамиятининг ривожланиш ва тараққиёт йўлини белгилаб берган муҳим ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумий декларациясининг 50 йиллигини байрам қилиш ара-фасида турибди. Жаҳонда мазкур умумий хара-катда бир хилликка дуч келмаймиз, ҳар бир халқ ушбу йўлни ўз тарихий тажрибаси, миллий ма-данияти ва маънавияти асосида босиб ўтади.

Бу борада инсон ҳуқуқлари, жамиятни демок-ратлаштириш муаммолари миллий ўзига хослик, ҳамкорликда яшашнинг тарихан таркиб топган шакллари, халқларнинг аъёна ва маънавий қад-

Устувор йўналиш

ЎН ЙИЛЛИК

риятлари ҳисобга олингани ҳолда ҳал этилаётган Ўзбекистон мисоли эътиборга моликдир. Бизни-нг мамлакатимиз республикасининг ҳар бир фуқа-росидан уларнинг муҳимлиги ва қонунийлигини тушунишни тақозо этадиган шиддатли ўзгариш-лар, ислохотлар босқичидан ўтмоқда.

Мустақиллик йиллари бизнинг ҳаётимизда ян-ги устувор йўналишларни белгилаб берди. Улар орасида инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари асо-си, ўрин эгаллади. «Мустақиллик, — таъкидлайди мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов, — бизни тоталитар тузум кишанлари ва мафкура-чилаштирилган тизимдан озод қилди, ўзбек хал-қиг» қаддини кўтариб, ўз ерида ўзини чинаками-га озод ҳис этишига имкон туғдирди, кишиларга ўз ҳақиқий миллий маданий ва аъёнавий, шах-сий қадр-қиммат туйғуси, тил ва маънавиятини қайтариб берди».

Эришилган натижаларга назар ташлар экан-миз, тўла ишонч билан шу хулосага келишимиз мумкинки, Инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳа-ракат дастурини муваффақиятли амалга ошириш учун барча шарт-шароитлар яратилди. Биноба-рин, парламент демократияси ва ҳуқуқий давлат-нинг барча асосий институтлари ташкил этилди: конституцион суд, Амалдаги қонунчилик монито-ринг институти, инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ва жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича марказ шулар жумласидандир. Мустақилликка амак қилиб келган ҳуқуқ тизи-ми янги шароитлар талабларига босқичма-босқ-ич мослаштирилмоқда. Ўзбекистон Республика-си ҳукумати инсон ҳуқуқлари бўйича 21 та хал-қаро шартномага қўшилди ва бу билан мустақил давлат ва халқаро ҳамжамият аъзоси сифатида сиёсий масъулиятни ўзига олган ҳолда келажа-к сари илгарилар бориш мақсадларини яна бир қарра исботлади. Республика ҳукуматга қарашли бўлмаган миллий ташкилотларни тузиш ва шун-дай халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қи-лиш фаолияти маъқулланмоқда.

Иқтисодиётни ўзгартиришнинг миллий моде-ли, маъмурий-бўйруқбозлик ва марказий режа-лаштиришдан ижтимоий йўналтирилган бозор ти-зимига босқичма-босқич ўтишга имкон туғдир-ган иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши жамиятни демократлашти-ришнинг муҳим асоси бўлиб хизмат қилди. Шун-и таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятни демократлаш-тириш жараёни барқарор ижтимоий-иқтисодий асосда, фуқаролар тотувлиги ва Ўзбекистон хал-қларининг маданий-тарихий бирлигини англаш йўлида кечмоқда. Бунда давлатни ривожланти-риш қонунининг устуворлиги асосида амалга ош-моқда.

Ўзбекистон Республикаси Президент Ислом Каримов томонидан 1997 йилнинг Инсон ман-фаатлари йили, деб эълон қилиниши мамлакат ҳаётидаги энг муҳим воқеалардан бўлди. Шу та-риққа Ўзбекистонда ҳуқуқий-демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти қуриш стратегияси бел-гиланди. Умуминсоний қадриятлар, маънавият бил-лан бойитилган ҳолда инсон манфаатларини би-ринчи ўринга қўйиш иқтисодий ислохотларнинг ўзаги бўлиб қолмоқда.

Миллий марказ

СЕРҚИРРА ФАОЛИЯТ

1996 йил 31 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Респу-бликаси миллий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони чиқди.



Мана бир йилдирки, Инсон ҳуқуқлари соҳасида ташкилий, илмий-маърифий, но-ширлик ишларини бажарган ҳолда мар-каз фаолият кўрсатмоқда. Ўтказилган қатор илмий-амалий конференциялар, жум-ладан, янгидан қабул қилинган қонунлар-га бағишланган халқаро анжуманлар, дав-ра суҳбатлари, вилоятлардаги сайёр се-минарлар — буларнинг бари Марказ хо-димлари томонидан катта сатҳ-ҳаракат-ларни талаб этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий мар-каз қатор халқаро ташкилотлар билан ҳам-корлик қилади. Шу йилнинг март ойида БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳам-корлик қилиш бўйича меморандум имзо-ланди, май ойида эса Халқаро Қизил Хон Комитети билан ҳамкорлик юзасидан ме-морандумга қўл қўйилди. Европада хавф-сизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Мар-казий Осиёдаги ваколатхонаси билан бир-га бир нечта йирик тадбирлар ўтказилди. Жиззах, Андижон, Бухоро, Навоийдаги сайёр семинарлар, Тошкент Давлат юри-дик институтида инсон ҳуқуқлари бўйича курснинг ташкил этилиши шулар жумла-сидандир. Германиянинг Конрад Аденауэр фонди билан ҳам бир қанча тадбирлар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси ва БМТнинг Тараққиёт дастури ўртасида амалга оши-рилиши тўғрисидаги битим имзоланган. Унинг доирасида марказ «Демократлаш-тириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув ти-

зимини такомиллаштириш» дастурининг асосий миллий бажарувчисига айлан-ди.

Миллий марказ томонидан ишлаб чи-қилган биринчи дастурий ҳужжат — ин-сон ҳуқуқлари соҳасида фаолият Мил-лий дастури эди. Ҳуқуқий маданият ум-минсоний тамойиллари эса унинг асоси ҳисобланади.

СУРАТЛАРДА: Инсон ҳуқуқлари бўй-ча миллий марказ халқаро ҳамкорлик бўлимининг иш фаолиятидан лавҳалар.

Рашид Галиев олган суратлар.



Допзарб мавзу

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

XX аср бошларида Франциянинг Ма-рокаш ва Жазоирдаги қўшинларини бош-қарган маршал Лиота ўзининг қарорго-ҳига олиб борадиган йўлга соя беради-ган дарахтлар экиш тўғрисида фармойиш берди. «Бироқ дарахтлар эллик йиллар-дан сўнг ўсиб соя бера бошлайди» — ҳайратланди маршалнинг яқинларидан бири. «Худди шунинг учун ҳам, — деди маршал, — ишни бугунданок бошланг-лар».

XXI аср бўсағасида биз демократлаш-тириш ва инсон ҳуқуқлари соҳасида иш-ни бошлаган ҳолда мамлакатимиз кела-жагининг асосларини бунёд этмоқдамиз. Ва айнан худди шу ерда — бошланиш жойида инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг келажақдаги қасри пойдевори — асо-си шаклланади.

Янги жамиятда янгича тафаккурнинг қандай шаклланаётгани, республикамиз-да инсон ҳуқуқлари соҳасида қандай иш-лар амалга оширилаётгани хусусида сўз-лаб беришни биз Инсон ҳуқуқлари бўй-ча Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал САИДОВдан илтимос қилдик.

— Ҳозирги кунда Ўзбекистонда ин-сон ҳуқуқлари ҳимоясига эътибор қу-чайтирилишининг асосий сабаблари нимага асосланган?

— Мустақилликка эришилгандан сўнг ўтган 6 йил ичида инсон ҳуқуқлари хи-

моясига йўналтирилган Конституция меъ-рини янада тўлароқ амалга ошириш учун имкониятлар кўпайди. Жамиятда фуқаро-лар томонидан нафақат ижтимоий-иқтис-одий ва маданий ҳуқуқлардан, балки, сиёсат, демократия ва ахборот соҳалари-да шахсий ҳуқуқлардан фойдаланиш учун шарт-шароит ва эҳтиёжлар юзага келди. Бу — янги ҳодиса ва у ўзбек парламенти-нинг қонунлар яратиш ва мамлакат Пре-зидентининг меъёрлар яратиш фаолияти-да ўз аксини топади.

«Мустақиллик — бу ҳуқуқдир», — деб таъкидлаганди Президент Ислом Каримов. Ҳуқуқ — бу демократик жамиятдаги фуқа-ро эркин ўлчовидир. Ҳуқуқий давлат фал-сафаси Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва таъминланиши, давлат ҳо-кимияти (ҳокимиятларнинг бўлиниши, мус-тақил суд, конституцион адлия)ни ташкил этиш тизимида ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя-нинг юридик асосларини тузиш, аҳолини-нг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш борасида муҳим бўлди.

Мустақиллик шахс демократик ва эр-кин ривожланишининг тамойилларига риоя қилиниши лозимлигини биринчи ўринга чиқарди: биринчидан, ҳар бир ша-хс жавобгарлиги — фуқаро ўз хатти-ҳара-катлари учун жавоб бериши керак; иккин-чидан, ҳуқуқ ва ахлоққа мувофиқ объек-тив ва оқилона ҳақиқатни излашга инти-лиш; учинчидан, маданиятлик умумин-

соний қадриятларга ички боғлиқлик ва юқори профессионализмнинг шахсий ҳу-қуқий маданияти ва ўз-ўзидан бирдан-бир мақсаддир. Инсон ҳуқуқлари дара-жаси — жамиятнинг демократлашганли-ги ва маданиятчилигининг биринчи да-ражали кўрсаткичидир.

Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳаси-да ўз сиёсатини белгилашда ўрта энг муҳим тамойилдан келиб чиқади.

Биринчиси: норматив ва ташкилий жи-ҳатлардан халқаро тажрибанинг устувор-лиги.

Иккинчиси: инсонга ҳомийлик қилиш-дек Ватанимиз тарихий тажрибасини ҳи-собга олиш.

Учинчиси: инсон ҳуқуқлари бўйича хо-рижий миллий институтлар тажрибаси-ни ҳисобга олиш.

Бизнинг мамлакатимиз мустақил ту-зумнинг ўз амрини ўтказиш ва зўравон-лигидан инсоннинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви билан ҳар томонлама муно-сабатлари уйғунлаштирилладиган ҳуқуқий меъёрлар томон катта қадам қўйди.

— Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ва-зиятни қандай изохлаш мумкин?

— Мустақиллик йилларида ўз ичига юздан ортқ қонунларни муҳасам эт-ган инсон ҳуқуқий тўғрисидаги қонунчи-лик тизими шаклланди. Барча қонунлар лойиҳасини тайёрлашда БМТ эксперт-лари, хорижий мамлакатларнинг етакчи мутахассислари кенг жалб этилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ўзбек қонун-чилигининг ўзаги — Конституция ва Ин-сон ҳуқуқлари умумий декларацияси ҳам-да мазкур соҳадаги бошқа халқаро аҳд-номаларда мустаҳкамланган халқаро ан-дозалар ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий (Давоми 2-бетда).

Тақдирот

МУҲИМ ҚАДАМ

16 октябрда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўз-бекистон Республикаси Миллий марказида Ўз-бекистон Республикаси ҳукумати ва Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг де-мократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик тўғрисидаги меморандумнинг имзоланиш ма-росими бўлиб ўтди.


Мазкур ҳужжатга кўра Ўзбекистон ҳукумати ва ЕХҲТ/ДИИХБ ҳамкорликда инсон ҳуқуқла-рини демократлаштириш ва сайловларни тайёрлаш бўйича дастурларни ривожлантириш юзасидан мунтазам маслаҳатлар ташкил этиб турадилар. ЕХҲТ/ДИИХБ томонидан тақдир қи-лингандан бир нечта лойиҳалар ҳам меморан-думга илова тарзида топширилди. Улар ора-сида конституцион суд, Омбудсман комиссия-си ходимларини ўқитиш, кўчиб ўтиш муаммо-лари бўйича Марказий сайлов комиссияси, милиция ходимларини ўқитиш ва Инсон ҳу-қуқлари бўйича Миллий марказга кўмаклашиш бўйича лойиҳаларни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Меморандумни имзолаш маросимида Ўз-

бекистон Республикаси Ташки ишлар вазири А.Комилов, ЕХҲТ/ДИИХБ директори элчи Жерар Штудман, ЕХҲТнинг Марказий Осиё бўйича ало-қалар бюроси раҳбари Г.Ганчев, Инсон ҳуқуқла-ри бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий мар-казининг директори А.Саидов, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) С.Рашидова, халқаро ва жамоат ташкилотлари-нинг вакиллари, бизнинг мамлакатимизга вакил сифатида тайинланган дипломатик ваколатхона-лар раҳбарлари иштирок этишди.

Маросим катнашчиларининг чиқишларида сиё-сий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган ушбу ҳужжатнинг имзоланиши билан демократиянинг ривожланиши ва ҳуқуқий давлат қурилишида яна бир муҳим қадам қўйилганлиги алоҳида таъкид-лаб ўтилди. Олдинда эса мўлжалланган дастур-ларни ҳаётда тадбиқ этиш, ижтимоий ҳаётнинг абадий сўнмас қадриятлари ҳисобланмиш ин-сон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор топтириш юзасидан кенг кўламдаги кундалик ишлар ту-рибди.

СУРАТДА: ҳужжатни имзолаш пайтида.



...Бутун ислохотлар жараёнида аҳолининг ижтимоий муҳофазаси ва уни қўллаб-қувватлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг қонунчилик ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш масалаларига катта аҳамият бериб келганмиз.

(Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам КАРИМОВнинг Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 26 февралдаги мажлисидаги маърузасидан.)

ИЖТИМОЙ ФИКР

ХОЛИС МАЪЛУМОТЛАР

«Ижтимоий фикр» маркази жамоатчилик фикрини ўрганиш, чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиш бўйича кучларни бирлаштириш, ислохотларнинг бориши тўғрисида холис маълумотга эга бўлиш, демократлаштириш жараёнлари ривож иштиқболларини белгилашнинг уйғун тизимини ташкил этиш мақсадида тuzилди. Марказ ҳукуматга қарашли бўлмаган мустақил ташкилотдир.

Марказнинг асосий вазифалари — инсон ҳуқуқ ва манфаатларига риоя қилишнинг долзарб муаммолари бўйича жамоатчилик фикрини, ҳокимият ва жамият институтлари ўзаро муносабатларини, демократлаштиришнинг ривожланиши юзага келиши мумкин бўлган йўللари ва жаҳон ҳамжамиятига қўшилишнинг амалга оширса бўладиган йўллари излашдан иборатдир. Жамият онгини — Мустақил Ўзбекистон фуқароларининг янгича дунёқарашини шакллантириш, ижтимоий онгининг ривожланиш иштиқболларини белгилайдиган социологик андозаларни ишлаб чиқариш ҳам энг муҳим вазифалар қаторига киради.

«Ижтимоий фикр» марказининг фаолият йўналишлари кенг қўламлидир. Жамоатчилик фикрини ўрганиш борасидаги фаолиятларни мувофиқлаштириш, миллий иштиқбол мафкурасини шакллантириш мақсадида телевидение, радио ва матбуотда кўп тармоқли тарғибот тизимини ташкил этиш, давлат бошқарув идоралари, миллий ва халқаро жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларини зарур маълумот ва ахборотлар билан таъминлаш ишлари шулар жумласидандир.

«Инсон ҳуқуқлари» — Миллий марказ томонидан чиқарилган шу номдаги буклетда инсон ҳуқуқларининг ўзини маънавий ҳақида бизларга маълумот берилади.

Барча кишилар эркин ва тенг ҳуқуқли бўлиб туғиладилар. Ҳар бир киши жинси, тили, дунёқараш, дини, мулки, миллати, irqи, ижтимоий келиши, қўли, туғилган жойи, бошқа белгиларидан қатъи назар тенг ҳуқуқларга эгадир.

Мазкур буклетда сиз «Шахсий ҳуқуқлар» тушунчаси нимани кўзда тутиши тўғрисидаги саволга жавоб olasiz.

Инсоннинг яшаш ҳуқуқи, хусусан, бирор диний, irqий, миллий гуруҳдаги кишиларни батамом йўқотиб юбориш, irqий таъқиб, ҳуқуқий чеклаш, irqий камситиш, азоблаш ва инсоний кадр-қимматни пастга урувчи бошқа ишларнинг халқаро жиноят деб эълон қилиниши — бу ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликлар замонавий дунёдаги ҳар бир инсонга тегишлидир. Бизнинг ҳар биримиз давлат томонидан кафолатланган ҳуқуқлар — ўз мамлакатимизда эркин юриш ва яшаш жойини танлаш; қонун бўйича белгиланган ёшга етгандан сўнг никоҳдан ўтиб оила қуриш; қандайдир динга эътиқод қилиш; ўзининг диний қарашларини ўзгартириш ҳуқуқлари бузилса юридик ҳимояга олиш ҳуқуқига эгамиз.

Ҳар биримизнинг шахсий ҳуқуқларимиздан ташқари сиёсий, ижтимоий-

(Давоми. Боши 1-бетда).

институтлар тизими ташкил этилди. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, Амалдаги қонунчилик мониторинги институти, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, ижтимоий фикрни ўрганиш бўйича марказ фаолият кўрсатмоқда.

Инсон ҳуқуқларини ўқитиш таълимий негизи ишлаб чиқилди. Янги ўқув йилидан «Инсон ҳуқуқлари» курсини ўқитиш жорий этилди. «Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро андозалар», «Инсон ҳуқуқлари», «Инсон ҳуқуқлари ва ички ишлар идораларининг фаолияти» деб номланувчи ўқув дастурлари тайёрланди. Олий ўқув юртлари учун «Инсон ҳуқуқлари» дарслиги нашрдан чиқарилди. ЮНЕСКОнинг «Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар» ўқув қўлланмаси таржима қилинди, ўшбу курсни ўқитиш бўйича ўқув-услубий қўлланма тайёрланди. Мамла-

ди.

Илк бор Ўзбекистон ҳукумати ва БМТнинг Тарақиёт дастури бўлими ўртасида «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш» дастурини ҳамкорликда амалга ошириш юзасидан битим имзоланди.

Инсон ҳуқуқлари — бу ўзбек халқининг ўзига хос миллий қадриятидир.

«Барча халқлар учун «умумий уй» асосларининг барпо этилиши, янги полиетник бирлиkning юзага келиши мустақиллигимизнинг энг муҳим натижаси бўлди. Ушбу бирлиkning негизи ўзбек маданиятининг умуминсоний моҳияти, маънавий қадриятлари ва миллий ўз-ўзини англашнинг тикланиши бўлади». — Мамлакатимиз Президентининг ушбу сўзларидан бизнинг барқарорлигимиз ва Миллий тотувлигимиз манбалари тўғрисидаги кўпала саволларга жавоб топиш мумкин. Зеро, фарб социолог Р. Дарендорф шундай таъкид-

КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ

катимиздаги барча олий ўқув юртларида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ўрганиш бўйича марказлар ташкил этилмоқда. Уларнинг ахборот-услубий ўзаги Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳисобланмиш ягона тизимни ифода этмоқда. Ички ишлар вазирлиги академиясида «Инсон ҳуқуқларининг назарияси ва амалиёти» кафедраси ташкил этилди. Тошкент Давлат юридик институтида эса инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқларни ўрганиш бўйича марказ фаолият кўрсатмоқда.

Мустақил Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари соҳасида ижтимоий ахборотлар Бутунжаҳон тадбирини ўтказиш бўйича дунё миқёсидаги демократик ташаббусларнинг фаол иштирокчиси бўлди ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида таъсис этиш бўйича ҳаракатлар режасини амалга ошириш ишига ўз ҳиссасини қўймоқда. Ушбу соҳадаги фаолиятларни мувофиқлаштириш халқаро, миллий ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар кучларини бирлаштираётган ва мувофиқлаштираётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ зиммасига юкланди. Бизнинг Марказимиз Ўзбекистондаги БМТ, Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ваколатхоналари, Конрад Аденауэр фонди ва жаҳоннинг етакчи давлатлари элчихоналари билан биргаликда мамлакат суд соҳаси ходимлари учун махсус ўқув семинарларини ўтказмоқда. Бундай семинарлар Жиззах, Андижон, Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлиб ўтди. Ушбу семинарларда етакчи олимлардан М. Лесах (Франция), Макбрайт (Англия), Д. Готтеро (БМТ эксперти), М. Майя ва В. Аранау (АҚШ), Нур Фароғат (Миср) ва бошқалар иштирок этди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан Бола ҳуқуқлари конвенцияси моддаларининг бажарилиши тўғрисида маъруза тайёрланди ва ушбу ишда мамлакатдаги-йигирмадан ортқ давлат ташкилотлари ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар иштирок этиш-

лаганди: «Жамият иккита реал қиёфага эга бўлади: биринчиси — барқарорлик, уйғунлик ва ҳамжиҳатлик, бошқасида эса — ўзгаришлар, можаролар ва кескинликлар наноён бўлади».

Бизнинг жамиятимиз қиёфасини мустаҳкамлик, миллий тотувлик ва барқарор ривожланиш манбалари бўлмиш, ижтимоий ҳаётни уйғунлаштирувчи ўзбек халқи маънавиятининг тикланиши белгилайди. «Маънавийлик зиддиятини» деган эди Президентимиз жанговар миллатчилик ва диний экстремизмга таъриф берар экан, — ўзбек халқи қўллаб-қувватламади, зеро халқимизнинг маънавияти шунчалик ёрқин ва ўзига хоски, у нафақат интеграциядан ўзини тортади, балки жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисмига киришга интилади». Инсон ҳуқуқлари миллий дунёқарашнинг ажралмас қисми сифатида халқ маънавиятининг, унинг умумжаҳон ҳуқуқий маданияти билан узвий алоқасининг кўрсаткичи ҳисобланади...

Мустақиллик инсон ҳуқуқлари ривожланишига бўлган ижтимоий талабни юзага келтирди, у эса аҳолининг ўсиб бораётган ижтимоий фаоллигида ўз аксини топди.

Республикада 200 дан ортқ ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар фаол ишламоқда, маҳалла — халқнинг ўзини-ўзи бошқариш анъаналари тикланмоқда. 1997 йил — Ўзбекистонда Инсон манфаатларини ҳимоя қилиш йилидир. У Ўзбекистоннинг XXI аср бусағасидаги ривожланишни белгиловчи узок муддатли устувор сиёсатни гавдалантиради.

Инсон манфаат ва ҳуқуқлари — ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар бизнинг жамиятимиз ҳаётининг барча ҳабаҳларида амалга оширилаётган туб ислохотлар ва демократлаштириш жараёнининг ягона механизми сифатида фаолият кўрсатади.

— **Ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишига нима ҳалал беради?**

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини мустаҳкамлаш борасида бир неча концептуал муаммолар кўринади. Яъни ай-

нан: мансабдорлар ҳам, фуқаролар ҳам кўп ҳолларда инсон ҳуқуқларини амалга оширишнинг мазмуни ва қонуний асосларини билмайдилар. Бошқа муаммо — кишиларнинг ўзлари ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам ушбу ҳуқуқларни энг олий қадриятлардан бири сифатида ҳимоя қилиниши лозим эканлигига ишонч ҳосил қилишларига эришишдир. Шундай қилиб, ислохотчи-давлатнинг жамиятни эркинлаштириш ва демократлаштириш бўйича ташаббусларига биринчи навбатда бизнинг мустақил ва эркинликни севувчи мамлакатимизнинг ички эҳтиёжлари сабаб бўлганлиги яққол кўриниб турибди.

Эскича тафаккурнинг қотиб қолган қолиплари тараққиёт ва эркин фикрлаш, ҳаётнинг янги воқеаларини идрок этиш, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳис қилиш йўлидаги жиддий тўсиқлардан бичидир.

Бир қолипдаликнинг таъсир кучи каттадир. Эркинликка ўрганиш қийин. Узок ўн йиллар бир хил қонун-қоидалар доирасида яшаган жамиятда қадриятларнинг алмашиши — оғир, қарама-қарши, оғиркли жараён. Тайёрга айёрлик, асосиз тенглаштириш, давлат боқимандалигини кўмсаш кучли бўлади.

Бизнинг жамиятимиз ҳаётида аёлларнинг роли ҳали охиригача идрок этилмаган. Ёшлар имкониятларига ишончсизлик мавжуд. Ижтимоий адолатга ишонч туғилишига коррупция ва жиноятчилик, маҳаллийчилик ва қариндошчилик муносабатлари каби нохуш ҳодисалар жиддий тўсиқ бўлмоқда. Афсуски, ҳали ҳам турли даражадаги мавжуд туррачиликнинг анчагина салмоқли қатлами кишиларнинг амалга оширилаётган ислохотларга бўлган ишончига путур етказмоқда.

— **Жамиятда инсон ҳуқуқлари ва ислохотчи-давлатга ишонч мустаҳкамлашнинг қандай йўллари бор?**

— Бу:

— барча давлат қарорлари фақат Конституция ва мамлакат қонунларига асосланиши керак;

— давлат қарорларига ишонч шартшароитлари сифатида уларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг демократик иш тартиблари хизмат қилиши лозим;

— кучли «тўртинчи» ҳокимиятнинг ўрнатилиши;

— фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланмиш ҳукуматга тегишли бўлмаган ташкилотларнинг ривожланиши;

— жамоатчилик фикрини таҳлил қилиш, руҳиятнинг ўзгариши, шунингдек, кишиларнинг ижтимоий юриш-туришларидаги барча фарқ-ўзгаришларни ҳисобга олиш каби йўللardan иборат.

Буларнинг барчаси бизнинг марказимиз томонидан ишлаб чиқилган инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият Миллий дастурда ўз аксини топди.

Мамнуният билан шуни таъкидлаб ўтишни истардимки, демократик жамиятни қуришнинг энг бошланғичи биз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қўллаб-қувватлашдан мадад олапмиз. Биз жаҳон ҳамжамиятининг дўстона қуршови остида умуминсоний қадриятлар оламига кириб бормоқдамиз.

Мазкур дастурнинг имзолалиши — Ўзбекистон ҳукумати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўртасида ҳамкорликдаги фаолият соҳасида биринчи қатъий қадамнинг қўйилишидир.

иктисодий ва маданий ҳуқуқларимиз ҳам бор. Ўз мамлакатининг фуқаролари сифатида биз унинг сиёсий ҳаётида иштирок этиш, бизга яқин фояларни ҳимоя қилаётган сиёсатдонларни сайлаш ҳуқуқларига эгамиз. Бизнинг мулкка эгаллик қилиш, фаолият турини танлаш, дам олиш ҳуқуқларимиз бор. Давлат бизни бошланғич бепул таълим, жамиятнинг илмий ва маданий ҳаётида қатнашиш ҳуқуқлари билан таъминлайди.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси, Бола ҳуқуқлари конвенцияси. 43-модданинг 2-бандида ўзгартиришлар билан, Ҳаракатдаги қўшинларда ярадорлар ва касалларнинг тақдирини яхшилаш тўғрисида конвенция, Ҳарбий асирлар билан муомала қилиш тўғрисида конвенция, Денгиздаги ҳарбий кучлар таркибида ярадорлар, касаллар ва ҳалокатга учраганларнинг тақдирини яхшилаш тўғрисида конвенция,

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР — УСТУВОР

Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро аҳдномага мувофиқ давлат барча аҳолига шахсий (фуқаролик) ҳуқуқларини амалга ошириш, фуқароларга эса шунингдек сиёсий ҳуқуқларни ҳам амалга оширишни кафолатлаш лозим.

Ўзбекистонда кучга кирган инсон ҳуқуқлари меъёри республика Конституциясига киритилган, унинг қонунлари эса Ўзбекистон Республикаси учун мажбурий бўлган инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларда ўз аксини топан.

Мустақилликни қўлга киритган Ўзбекистон тўла ҳуқуқли асосда барча энг обрўли ва нуфузли халқаро ташкилотлар таркибига кирди, кўпала инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномалар қатнашчиси ҳисобланади. Уларнинг қандай ҳужжатлар эканлигини қуйида эслатиб ўтаимиз.

Уруш пайтида фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида конвенция, Халқаро ҳарбий зиддиятлар қурбонларига оид 1949 йил 12 август Женева конвенцияларига қўшимча протокол (1-протокол), Халқаро характерга эга бўлмаган ҳарбий зиддиятлар қурбонларига оид 1949 йил 12 август Женева конвенцияларига қўшимча протокол (2-протокол), Янги Европа учун Париж Хартияси, тинчлик учун ҳамкорлик: доира ҳужжати, Болаларнинг яшаб қолиши, ҳимояланиши ва ривожланиши тўғрисида Умумжаҳон декларацияси, Иш давомийлигини ҳафтасига қирқ соатгача камайтириш тўғрисида 47-конвенция, Йиллик ҳақ тўланадиган таътиллари тўғрисида 52-конвенция, Оналикни ҳимоялаш тўғрисида 103-конвенция, Бандлик соҳасидаги сиёсат тўғрисида 122-конвенция, Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қан-

дай шаклларида барҳам бериш тўғрисида конвенция, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пактга қўшимча протокол, Ирқий камситишнинг ҳар қандай шаклларида барҳам бериш тўғрисида халқаро конвенция, Қийнаш, муомала ва жазонинг бошқа оғир, ноинсоний ёки қадқимматни ерга урувчи турларига қарши конвенция, Мажбурий ёки зарурий меҳнат тўғрисида конвенция, Коллектив музокараларни ташкиллаштириш ва олиб боришда ҳуқуқ тамойилларини қўллаш тўғрисида конвенция, Бир хил меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг ҳақ тўлаш тўғрисида конвенция, Корхоналарда меҳнаткашлар вакиллари ҳуқуқларини ҳимоялаш ва уларга берилган имкониятлар тўғрисида конвенция, Коллектив музокараларига кўмаклашиш тўғрисида конвенция, Меҳнат қилиш ва бандлик соҳасида камситиш тўғрисида конвенция, Мажбурий меҳнатга барҳам бериш тўғрисида конвенция, Аёлларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисида конвенция, Техник ва мутахассислик таълими тўғрисида конвенция, Таълим соҳасида камситишга қарши конвенция, Халқларнинг тинчлик ҳуқуқи тўғрисида декларация, ривожланиш ҳуқуқи тўғрисида декларация, Дин ёки қарашлар асосида чиқишмаслик ва камситишнинг барча шаклларида барҳам бериш тўғрисидаги декларация, Халқаро маданий ҳамкорлик тамойиллари декларацияси, Ҳуқуқ-тартибот бўйича масъул мансабдор шахслар кодекси, Суд идоралари мустақиллигининг асосий тамойиллари.

Барча ишларда ҳақиқий бахт келтириш учун ўзаро ёрдам бериш мақсадида кишилар бирлашадиган шаҳар яхши фазилатларга эга, эзгу шаҳар ҳисобланади ва кишилар бахтга эришиш йўлида бир-бирига кўмаклашадиган жамият — яхши фазилатларга эга, эзгу жамиятдир. Худди шу тариқа агарда халқлар бахтга эришиш йўлида бир-бирларига кўмак берадиган бўлсалар бутун ер курраси саховатли ва эзгу заминга айланган бўлар эди.

Абу Наср ФОРОБИЙ.



Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ходимларининг болалар расмлари кўргазмасида тушган жамоавий сурати. Рашид Галиев олган сурат.

Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорлик республикамиз учун нисбатан янги бўлса-да бу масалада бизнинг асосий ҳамкорлар гуруҳи ва йўналишларни аниқ айтиш мумкин.

БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича таълим борасида Ўзбекистоннинг асосий ҳамкори ҳисобланади. Бунда унинг Тараққиёт дастури (ПРООН) му-

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) ҳам инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида муҳим шериклардан ҳисобланади. ДИИХБнинг бу соҳадаги фаолияти ҳуқуқни ҳимоя қилувчи давлатга қарашли бўлмаган ташкилотлар вакиллари ҳам қўшган ҳолда тобора кўпроқ тингловчиларни жа-

К. Аденауэр фонди демократлаштириш бўйича семинарларни нафақат Тошкент шаҳрида, балки вилоятларда ҳам ўтказиш ташаббуси билан чиққан. Шу йил ушбу фонд томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари учун республиканинг кўпгина вилоят марказларида қатор семинарлар ўтказилди.

«Очиқ жамият» (Сорос фонди) институти инсон ҳуқуқлари соҳасида таълим юзасидан бошқа йўналиш бўйича ишлайди: у хорижда ўтказиладиган инсон ҳуқуқлари бўйича курс ва семинарларга қатнашиш учун шахсий грантлар топширади. Чунончи, Сорос фондининг кўмаги остида 1997 йилнинг июль ва сентябрь ойлари ичида Алмати, Ярославль, Познань (Польша), Турку (Финляндия) ва Оксфорд (Буюк Британия)да инсон ҳуқуқлари муаммоларига боғлиқ бешта ёзги курслар ўтказилди. Фонд шунингдек, мактаб ва коллежлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича дарсликлар ишлаб чиқиш юзасидан кенг дастур тайёрламоқда ва дарсликларни тайёрлаш бўйича ишчи семинари ўтказади.

Америка адвокатлар ассоциацияси ҳам инсон ҳуқуқлари ва гуманитар ҳуқуқларни ўрганиш марказининг кўмаги остида, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ билан ҳамкорликда турли тадбирларда қатнашиб, махсус юридик журнални тайёрлаган ҳолда Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасида иштирок этмоқда.

Е. АБДУЛЛАЕВ,

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказнинг халқаро ҳамкорлик бўлими мудири.

Нашрлар

ҚОНУНЛАР ОПАМИГА СЌЌХАТ

Ўзбекистонда кечаётган жамиятни демократлаштириш жараёнлари оммавий нашрларда ўз аксини топмоқда. Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари масалаларига бағишланган адабиётлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, ушбу адабиётларга бўлган талаб ҳам доимо ортиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ишида ноширлик фаолияти анчагина салмоқли ўрин эгалламоқда. Унинг жамоаси томонидан йигирмадан ортик номдаги китоб, брошюра, тўпламлар нашрдан чиқарилди ва босмага тайёрлаб қўйилди. Улар орасида «Тил ва қонун», «Тошкент оқшоми» газетаси кутубхоначаси туркумида «Ҳуқуқий маданият ва инсон ҳуқуқлари» ва бошқа асарлар бор. БМТнинг Ўзбекистондаги Тараққиёт дастури томонидан «Ўзбекистон Республикасида демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш», «Инсон ҳуқуқлари: саволлар ва жавоблар», «Инсон ҳуқуқлари соҳасида фаолият миллий дастури» ўқув қўлланмалари нашрдан чиқарилди. «Суд ислоҳоти: муаммо ва ечимлар» халқаро давра суҳбати якунларига бағишланган материаллар, шунингдек шу йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида ўтган «Процессуал этика, қарашлар ва нуқтаи назарлар» илмий-амалий конференцияси материаллари ҳуқуқ соҳаси мутахассисларида катта қизиқиш туғдириши шубҳасиз.

Д. Мирзаев ва А. Бадалбоевлар ўзларининг «Ўз ҳуқуқларини биласизми?» деб номланган китобларида республика фуқароларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида батафсил ва асосли ҳикоя қиладилар. Китоб номининг ўзиёқ унинг моҳияти билан танишишга ундайди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ томонидан ўзбек ва рус тилларида тайёрланган йиллик тўпламда ҳам кўпгина фойдали маълумотлар бор.

Гарчи «Инсон ҳуқуқлари» ибораси бизнинг замонамизда туғилган бўлса-да бу мазкур муаммо ўлган замонларда бўлмаганди, деган маънони англатмайди. Бизнинг аждодларимиз томонидан инсон ҳуқуқ ва мажбуриятлари қандай тушунилгани тўғрисида А. Саидовнинг «Бурхониддин Марғиновий — буюк ҳуқуқшунос» китобида ҳикоя қилинади. Буюк Темур тўғрисидаги нашрлар библиографияси (тузувчилари Э. Ртвеладзе ва А. Саидов) ҳам албатта ўзининг қизиқувчи китобхоналарини топади.

Бундан ташқари, инсон ҳуқуқлари масалаларига бағишланган қатор дарслик ва илмий-услубий қўлланмалар ҳам нашрга тайёрланмоқда. Улар орасида «Инсон ҳуқуқлари» ўқув-услубий қўлланмаси, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» луғат-маълумотномаси, олти томлик инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунлар, «Инсон ҳуқуқлари ва Ўзбекистон Республикасининг миллий ҳавфсизлиги» дарслик-хрестоматияси, «Фуқаро тарбияси асослари» дарслик-хрестоматияси ва бошқа китоблар бор.

Ҳамкорлик

ХАЛҚАРО САБОҚЛАР

ҳим ўрин тутмоқда. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий шакли — бу ҳукумат вакиллари ва мансабдор шахслар учун курслар, семинарлар, давра суҳбатлари ташкил этиш ва инсон ҳуқуқлари бўйича таълим соҳасига жалб этилган ташкилотларни, биринчи навбатда Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказни (ПРООНнинг «Демократлаштириш», инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш» лойиҳаси бўйича) қўллаб-қувватлашдир.

1997 йил 12 июлда имзоланган «Ўзбекистонда демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув» дастурига мувофиқ йил давомида 40 нафар парламент аъзоси ва шунча судья, адвокат, прокурор ҳамда милиция ходимларига инсон ҳуқуқлари муаммолари бўйича бир қатор курслар, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этиш режалаштирилган.

лб этишга йўналтирилган.

Бу йўналиш 1996 йил сентябрь ва октябрь ойларида ўтказилган ДИИХБ семинарларида кўзга ташланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим масалалари ДИИХБ директори жаноб Ж. Штудманнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида ишлаб чиқиш ва имзолаш лозимлиги эътироф этилган ДИИХБ ва Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги дастурнинг марказидан ўрин олган. Ушбу дастурга кўра республика Конституцион суди маҳкамаси, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили, милиция ходимлари ва бошқаларнинг маълумотларини ошириш кўзда тутилади.

Ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро фонд ва ассоциациялар мазкур соҳадаги кейинги ҳамкорлар гуруҳини ташкил этади. Улар қаторига авваламбор К. Аденауэр фонди, Сорос фонди, Америка адвокатлар ассоциацияси ки-

муваффақият кафолатини кўрамиз. Кўпгина ўсмирларни ишга жойлашиш билан боғлиқ масалалар қизиқтиради ва шу сабабли болалар ҳуқуқий маслаҳатхонасига қабуллардан бири худди шу масалага бағишланди.

«Бизнинг оиламизда жуда оғир вазият юзага келди. Онам қанд касалига мубтало бўлган, оиламизда эса мендан ташқари яна тўртта бола бор. улар 4-10 ёшда, Олинаётган нафақа пуллари эса бизларга етмаяпти. Мен 15 ёшга тўлганман ва ишга жойлашишим мум-

билан боғлиқ иш иш кунининг учдан бир қисмидан ошмаслиги керак. Бироқ бу сен орзуларингдан воз кечишинг керак, деган гап эмас. Ахир сенинг ёшинг учун тўғри келадиغان бошқа иш топишинг мумкин-ку.

«Мен 17 ёшдаман, ўрта мактабни тугатганимдан сўнг туман ҳокимлигининг ишга жойлаштириш бўйича идораси ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборди. Бироқ у ерда мени ишга қабул қилишмади. Улар ҳақми?» — сўрайди Салима К.

— Рад жавоби ноқонунийдир. Зеро Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолининг иш билан бандлиги» тўғрисидаги қонунида кўзда тутилганидек, иш берувчининг маҳаллий меҳнат идораси томонидан белгиланган меъёр ҳисобидаги иш жойлари бўйича юборилган кишиларни ишга қабул қилмасликка ҳаққи йўқ. Ишга жойлашиш масаласида жуда қийналаётган ва улар учун меъёрланган иш жойлари ташкил этиладиган шахслар қаторига вояга етмаган ногиронлар, умумий таълим мактаблари ва бошқа ўқув муассасаларини тугатган ёшлар киради. Ишга қабул қилишдан бош тортган тақдирда иш берувчи уч кунлик муддат ичида қабул қилиш ҳуқуқига эга мансабдор шахс томонидан имзоланган ёзма равишда асосланган рад жавобини бериши керак. Ишга қабул қилишдан ёзма ёки оғзаки равишда рад жавобини олган шахс, тегишли ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин. Даво аризаси сенинг ота-онанг томонидан топширилиши лозим. Зеро, сен ҳали баалоғат ёшига етмагансан ва бинобарин, фуқаролик процессуал фаолият кўрсатиш имкониятига эга эмассан.

Хизматлар

БОЛАЛАР МАСЛАҲАТХОНАСИ

расмийчиликни тан олмайди. Шу сабабдан, ушбу йўналишни бошлар эканмиз биз заҳматкаш, ўз ишини жонидан ортик кўрадиган шахсни мўлжаллаб иш тутдик. Ва энг муҳими, у болалар фикри, унинг қизиқишлари ва ҳаётга муносабатини чуқур ҳурмат қиладиган киши бўлиши керак эди. Бола билан алоқа, муносабат қандай вазиятда кечиши ҳам муҳим ҳолдир. Биз хонадаги қабул пайтида бўладиган расмийчиликдан чекинамиз. Болалар билан улар учун одатий бўлган шароитларда — мактабда, интернатда, сайр чоғида дўстона алоқалар ўрнатиш осондир. Иш «табиий шароитдаги тадқиқотлар» йўналишида — тез суратда ва дилкашлик билан амалга оширилади. Мана шунда биз мамлакатимизда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш ишида

кинми?» — сўрайди Аҳмад К.

— Ҳа, ишлашинг мумкин. умумий қоидага кўра ишга қабул қилишга 16 ёшдан рухсат этилади. Бироқ, 15 ёшга етган ўсмирлар отаси ёки онасининг ёзма розилигига кўра ишга қабул қилиниши мумкин.

«Менинг орзуим — совға сифатида ит ҳада этишса. Бироқ ота-онам менга бундай совға қила олмаяптилар. Мен юкчи сифатида пулни ўзим ишлаб топмоқчиман. Шундай қилишим мумкинми?» — сўрайди 16 ёшли Умид С.

— Сен юкчи бўлиб ишлай олмайсан. Риоя қилинадиган меъёрлар чегарасига мувофиқ, 16—18 ёшли ўсмирлар учун оғирликларни ташишда ўсмирлар учун 13 килограмм, қизлар учун 7 килограммдан ортик юк, оғирлик кўтариш мумкин эмас. Шунда ҳам оғирлик кўтариш

Инсон
ҳуқуқлари

3

Тошкент
оқшоми

Ўлкамизда бор сепини ёйиб тўкин-сочин куз кезмоқда. Кузнинг ўйчан ва сокинлиги ҳаёт йўлларида бироз чарчаган, лекин фарзандлари қошида доимо тетик ва бардам кўринишга урунувчи ақли доно оналаримизни эслатади.

Ҳа, дарвоқе, оналаримизда бир тилсимот борга ўхшайди. Уларда қандайдир ҳайратомуз ва сирли оҳанрабодек жозибали бир нафосат бор.

Минбар

БАҲОР ДАРАҚЧИПАРИ БЎЛАЙЛИК

Куз кўнлари япроқлар рақсини кузатган-мисиз? Шундай кезларда кулранг осмонга қарашга ўзимда бардош топа олмаيمан. Гўё меннинг ҳам руҳим япроқлари парчаланаётганга ўхшайди. Ўз дарахтидан бегона бўлган барглар эса менга ота-онасидан етим қолган болаларни эслатади.

Ҳамон ёдимида. Шахримиздаги Меҳрибон-лик уйларида бирда бўлганимда директор болаларга яратилган шароитлар ҳақида тўқинганим гапирар кетди. Лекин ўша ерда яшаётган қора кўзлар билан суҳбатлашган уларни мен «эрта улғайган болалар» деб атагим келди. Болаларнинг исмлари гўзал эди... Саодат. Умид... Нима сабабдан ота-оналари улар истоган саодатни бахшида эта олмадилар? Болалар ҳам улар умидини энди ҳеч қачон қайтара олмасалар керак деб ўйладим.

«Мен ҳаёл сурганимда онам сиймосини эслашга ҳаракат қиламан», — дейди шахло кўзлари жик-жик ёшга тўлиб Саодат. Умид эса:

«Бўлди, энди катта бўлиб қолдим, онам ёрдам сўраб келиб қолсалар қочиб кетаман. Нима, уларга бир тошимиди, улқотириб кетавермиса...»

Ҳамон бу сўзлар таъсиридан юрагимда кучли оғриқ сезаман, туйғуларим эса шеър бўлиб қозғога тўқилди:

Ой ҳам онангдан деб тунлар
Ҳазин-ҳазин алла айтади ёниб.
Кўш — отангдан дер кундўз
Тунда-чи фурсат йўқ, кетади

Одамлар ҳам турфа. Уларнинг ҳар бири ўзга бир олам. Ташқи кўриниши, дунёқарши, ҳаётга муносабати — ҳамма-ҳаммаси турлича. Одамлар ҳақида ўйлаيمان ўтган кунгир воқеа кўз ўнгимда жонланади.

Эрта тонг. Ҳамма ишга қўшилибди. Икки боласини боғча томон олиб кетаётган она фарзандлари инжиқлигини кўтара олмади, унинг юзларида шапалоқ тортиб юборди. Бола каттироқ йиғлай бошлади. Ширин чўчүк тиллари билан «Бочага бормийман» деб антика-антика гапирган боласидан ғазабланган она болани яна урди. Мен бу ҳолатга бефарқ қараб тура олмадим. Ширингина қизалоқни бағримга босиб «Ўзинг ақли қиз экансан, қўй йиғлама. Ойинг вақтли келиб бочадан оладилар», — деб уни юратдим. Бола бир оғиз ширин сўзга алданди. Бу ҳолатда мен онага ҳам осон тутмадим, чунки асаблари чарчаган. Лекин унинг боғанин олдидан бўлгани учун ҳар кун шундай ҳолатда дуч келганимда руҳимдан яна ожиз япроқлар қўқилди.

Аёллар ўз умрининг барча фаслида гўзаллигини сақлай билиши, турмушдаги ҳар қандай ҳолатдан чиқиб кетиш йўллариини излаши керак. У соғлом бўлса бахти ҳам мукамил. Зеро, гузалиқнинг маъноси кенг, яъни у маънавий бой, билимдон, ҳушму-

мала, чехраси нузли, ҳушқомат ва ҳушхул, назокатли, мулоим, деган номга лойиқ бўлиши керак. Шундагина фарзандлар тарбияси кўнгилдагидек бўлади. Ҳақиқатан ҳам зарда қўш акс этганидек фарзандларнинг қай даражада инсон бўлиб етишиши ота-онанинг оилада ўзини қандай тутишига боғлиқ эмасмикин?

Шундай экан асабларимиз ҳориган бўлса-да аламимизни беғуноҳ норасидадан олмаслигимиз керак. Бўлмаса умримизга куз кириб келганида дилбандларимизга эриб қўлишдан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Автобус бекатида турганим. Икки ёш мени ўзига тортиди. Йигит ҳам, қиз ҳам охириги модада чиroyли кийинган. Шу пайт қиз йигитнинг елкасига бош қўйиб, нималаридир пичирлаб «ха-холаб» кулди. Атрофга қардим. Уларга бир мен эмас, бекатдаги ҳамма одамлар ғалати қарашаётганини сездим. Қизнинг ноҳўя ҳаракатлари ўша ерда турганларда нафрат уйғотганини билдимиз негиди руҳим япроқлари яна оёқ ости бўлгандек бўшашиб кетдим.

Куз фаслини яна шунинг учун яхши кўраманки, у меннинг теграмга чизилган қизил хошони «мумкин эмас» деган сўзларни бир зумда олиб ташлайди. Ёмғир ёйиб ўтган қиз осмонни қанчалик тоза, барглари дув-дув ўқилган дарахтлар қаддини тик тутгани каби кўз ёш тўкиб, ўша қизил хошони чорчўга сиймаган руҳимга мадад излайман. Бу ёшларнинг эса ҳеч ким кўрмайди. Мен ўша ўзим севган — икки чети дарахтлар билан уралган хиббонда ёлғиз бўлган. Ўзингиз билан танҳо қолиб кўрганмисиз? Ўху, бу шундай ширин тушга ўхшайди. Ҳеч кимга айта олмаган сирларнинг узвий занжир ҳосил қилди-ю руҳлар суҳбат бошлаганда ўзлади. Бир зумга бўлса-да ширин хотиралар ўз исканжасига олади, лекин хотиротдай сарғайган барглар чирт-чирт узилиб ёмғир ёққан, лойга қорилганини кўрганимда яна бир бор бу дунё фониқ-қу ҳеч нарса абадий эмас, деган фикр тинчлик бермай қўяди.

Ҳаётга томир отган илдишларим — фарзандларим ёнимда мен ҳамон ёш боладек муноси ва мушфиқ онам қошига интиламан. Юрагимдаги, руҳимдаги хавотирлигим ҳам шундан. Парвона янглиғ ўзимни ўтга, чўчка урсам-да, фарзандларим учун энг яхши она бўлишга уринаман. Лекин ўқиган қайтимишга кечки насабиман «иссиқ турсин» деб ўраб-чирмаб, йўлларимга нигорон боқиб «Келдингми болам, Совқотиб каттадурсан, исиниб ол», деб бир пайла иссиқ чўи узатган онажонимни ҳеч қачон ёдидан чиқара олмаиман. Ҳамон шундай меҳрга ташнаман. Руҳимдаги безовталигим ҳам шу. Бахтимизга онажонларимиз соғ бўлсин. Умрларининг кузи етиб келган бўлса-да, биз фарзандлар улар кўнглини кўтарувчи баҳор дарахчлари бўлайлик.

Муҳайё МИРСАИДОВА.

Оиламизда фарзанд туғилганда биз ҳам унинг ақли, илмли бўлишини истадик. Лекин бунга эришиш учун нималар қилиш лозим?

Бир кун турмуш ўртоғим дунёга машҳур «Сони» фирмасининг асосчиси бўлиши Масару Ибуканинг «Уч ёшдан сўнг кеч...» деб номланган китобчасини олиб келдилар. Унда ёзилишича, болага айнан уч ёшгача ўргатган нарсаларининг унинг таъсиридан бир умрга муҳрланиб қолар экан. Шунингдек, болага уч ёшгача ёзув-чизувни, чет тилини, мусика асбобини чалишни ўргатиш мумкинлиги ҳақидаги янгилик аниқ далиллар билан исботлаб берилган эди.

Шундан сўнг дадаси «Биз ҳам фарзандимизда бу нарсани сынаб кўрсанми?» деган таклиф киритдилар.

Мен дастлаб рози бўлмадим. Чунки фарзандимда тажриба ўтказилишини истамаядим.

Дадаси «А» ҳарфини катта қилиб ёзиб, деворга осиб қўйдилар ва «ҳар куну бир марта кўрсатиб тур, балки эслаб қолар», дедилар.

Мен ислам-истамай шундай қилардим. Мўъжизани қаранг-ки, орадан бир ҳафта ўтиб саккиз ойлик бола девордаги ўша қорғозга қўзи тушганда узук-юлук қилиб «а-а-а» дея овоз чиқара бошлади.

Бу нарсани хурсанд бў-

либ гапириб берсак кўпчилик «Бу ахир ёш болага хос нарса-ку, шундай овоз чиқариш, саккиз ойлик бола ҳарф таниримиди?» деб ку-

Мулоҳаза

ОНА БАХТИ

лишди.

Лекин бир ёшгача қизим учта ҳарф ўрганди. Ҳали гапиришни билмаса ҳам «Фалончи ҳарф қани?» десак кўрсатадиган бўлди. Сўнг-ра ўзи уйинчоқларга эмас, кўпроқ ҳарфлар ўрганишга қизиқадиган бўлди. Бир ярим ёшда барча ҳарфларни ўзлаштириб олди. Бу билан биз қизимизни болаликдан маҳрум қилаётганимиз йўқ. Унинг ҳам ўзига яраша шўхликлари, инжиқликлари бор. Лекин, ҳаммаси ўз ўрни билан. Ҳозир фарзандимизнинг ёши 2 да.

3 ёшга бориб ўз она тилидан ташқари яна бирон-бир чет тилида ҳам гапирар олишини жуда-жуда истайман. Мақсадим — у ҳам ўз вақтида, айнаи кучга ва байратга тулган ёшлик чоғида чет давлатларга чиқа олсин, кучли мутахассис бўла олсин.

Одатда фарзандини чет

элга юбораётган ота-она «Менинг болам ҳам у ерда нималаридир ўрганиб келсин» дейишади. Нимага энди «ўргатиб» эмас «ўрганиб» келиши керак?

Ахир бизда ҳам ўз соҳасининг пири бўлган олимлар оз эмас-ку!

Бир қўшим бор. Гидрометеорология марказида ишлайди. Унинг ўз соҳаси бўйича ёллаган диссертацияси билан кўпчилик мамлакатлар қизиқиб қолди. Америка фанлар академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланди. Ўша ҳам таклиф қилинган. Турар жой ва ҳар бир ўқиган маърузаси учун катта миқдорда пул ваъда қилинган. Лекин у рози бўлмади. Чунки унинг ўз ватани — Ўзбекистони бор.

Ўзбек бўлмаса ҳам ўзи туғилиб ўсган ерни юртим деб билади ва унга хизмат қилиш бурчи эканини юракдан ҳис этади. Онаси раҳматли Ирина Захаровна хаста ётанида кўнглини сўраб кирсам шундай деганди:

— Мишани Англияга чакришганда, янги кашф этилган технологияни сынаб кўриш ишларида қатнашиб, иш ўргатиб келадим.

У «иш ўргатиб» сўзига атайлаб ургу бериб айтди. Фарзандларинг ютуқларини қўриб, улар турисидан бировларга гапиришга ботина олган ОНА — энг бахтли ОНАДИР.

Ҳамма қатори мен ҳам мана шундай орзу-умидлар билан яшаяман.

Шайдо ЗОКИРОВА.

Ҳар бир дард ўзига хос асоратларга эга. Улар орасида айниқса, сариқ касаллигининг хавфлиги юқори, агар у болаларда учраса, бемордан кўра ота-онанинг ташвиши ортади. Хусусан, бу касаллиқнинг «А» тури ёш авлод ўртасида нисбатан кўп тарқалган.

Хасталиқнинг бу тури билан касалланганларнинг 70—85 фоизини болалар ташкил қиладилар. Уларнинг кўпи 3—5 ёшли гўдақлардир. Олимларнинг кузатишларича вирусли гепатит «А»нинг ҳужури ҳа 3—5 йилда қайталанмиш туради. Дард ифлос қўл ёки касал боланинг нажаси, озиқ-овқат, идиш-товуқлар, сув орқали соғлом болаларга юқибди.

«А» гепатити кўз ва қишда энг кўп учрайди. Касаллик юқанидан кейин 15 кундан 50 кунгача ўтган вақт яъни дард дейилади. Сўнгра касаллик ўзини намён этади. Болада иштаха бўғилади, кўнгил айнаб қусади, катароқ болалар қорин оғриғидан шикоят қиладилар, айримларда ич кетиш ёки қабзият кузатилади. Баъзи гу-

да қолиб, касаллиқнинг тарқалишига сабаб бўладилар. Иккинчидан, улар ўз вақтида даво олмаганлари учун касаллик сурункали турга ёки оғир ҳолатга ўтиши мумкин.

Вирусли гепатит касаллигида фақат жигар фаолияти бўзилибгина қолмай, балки бошқа аъзоларнинг фаолияти ҳам салбий томонга ўзгаради. Айниқса, ошқозон-ичак, марказий асаб тизимининг иши издан чиқади. «А» гепатит касаллигида сариқлик белгиси пайдо бўлгандан то йўқолгунча 7 кундан 20 кунгача вақт ўтади. Лекин айрим беморларда бу белги кўпроқ, хусусан 40—45 кунгача қувилиши мумкин. Тузалиш даврида беморларнинг терисидан, кўзларининг оқидан сариқлик аста-секин йўқолади. Беморларнинг иштахаси очилиб, унинг иштиёқи пайдо бўла бошлади. Жигарнинг фаолияти тиклана бориб, унинг ҳажми қисқаради, ошқозон-эластик ҳолатга ўтади.

Гепатит билан оғриган болалар 6 ойгача диспансер кузатувида бўлишлари лозим. Шу давр ичида беморни махсус асбоблар, лаборатория усуллари ёрдамида текширувлар ўтказиб, яхши натижалар олинсагина беморлар ҳисобдан чиқарилади.

Неъмат МУХИДДИНОВ,
2-болалар юкумли
касалликлар шифохонаси доценти.

Таблим

ҚАЛБИ ҚУЁШ МУРАББИЙЛАР

Бугунги кунда пойтахтимизда шундай мактаблар фаолият кўрсатаяптики, уларнинг иш жараёни билан танишган киши қалбига беихтиёр ифтихор, ғурур ҳисси уйғонади. Яққасарой туманидаги Шопўлат Абдуллаев номли 73-мактаб ҳам мана шундай билим масканларидан биридир.

1937 йилда ташкил этилган бу мактаб ўша даврларда қизлар гимназияси эди. Аввалига бир неча синф хо-

верситетининг катта ўқитувчиси Зумрад Абдушукурова ҳамда мактабнинг тажрибали ўқитувчилари Шоира Асқархўжаева, Раҳима Тошхўжаева сароб беришади. 1996-1997 ўқув йилида эса юқори синфларда Шарқшунослик институти билан биргаликда ёш менежерлар синфи ташкил этилди. Бу синфларда ҳам машғулотлар етакчи мутахассислар томонидан олиб борилади.



насандангина иборат бўлган гимназия кейинчалик давр талабига жавоб берадиган замонавий мактабга айлантирилди.

— Айни пайтда мактабимизда энг илғор, тажрибали ва интилувчан ёш мутахассислар фаолият кўрсатаяпти, — дейди мактаб директори, «Соғлом авлод учун» ордени соҳибига Лутия Саидова. — Ҳамоани ҳақиллиги ҳамда устозлар ва шоғирларнинг ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришлари натижасида кейинги пайтларда ўқитиш жараёнида сезиларли ютуқлар кўзга ташланипти. Барча ўқитувчиларимиз «Таблица турғисида»ги Қонуни талаблари асосида таълим билан тарбияни бир-бирига узвий боғлаган ҳолда олиб боришяпти. Мактабда

неча йилдан бери ихтисослашган синфлар жадаллаштирилган дастур асосида ўқитилляпти. Улар тўрт йилга режалаштирилган дастури уч йилда ўзлаштириляпти.

Ҳозирги кунда мактабда педагог кадрлар тайёрлаш бўйича Тошкент Давлат педагогика институти билан биргаликда 2-синфдан махсус ихтисослашган синфлар очилган. Бу синфларнинг иш фаолияти нафақат пойтахтимизда, балки республика миқёсида ҳам оммалаштирилиб келинапти.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, мактабда олий ўқув юрлари билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Ота-оналарнинг талаб ва истақларини инобатга олган ҳолда айрим бошланғич синфларда инглиз тили «чуқур ўргатилади. Бу синфларда Жаҳон тиллари уни-



Кўргазмалар

ТАСВИРЛАРДАГИ ТАРИХ

Ўзбекистон Бадий академиясининг катта кўргазмалар залининг иккинчи қаватида намоишга қўйилган Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тасвирий санъат асарларини пойтахтимиз аҳли ва меҳмонлари катта қизиқиш билан томоша қилмоқдалар.

Унда 200 дан зиёд ранг-таъсир, графика, ҳайкал-рошлик ҳамда халқ амалии санъатининг турли соҳаларига мансуб сара асарлар жамланган. М. Набиев, Ж. Умарбеков, М. Йўлдошев, Э. Машарипов, Р. Ризамуҳамедов, О. Қозоқов, Ф. Қодиров, И. Воҳидов, Т. Қурбёнов, Р. Вико каби раҳбарлар маҳоратидан сайқал топган асарларнинг ҳар бири ўз жани хусусиятларига мувофиқ тарзда, ёрқин бадий восита-ларда кўхна шаҳарларнинг тарихидан ҳўқоя қиладди. Гузал, мукаммал меъморий обидаларнинг маҳобатли шакли шамоилини аниқ тас-вирларда намён этади.

Кўргазмалар мажмуининг биринчи қаватида эса ўзининг 50 ёшини нишонлаётган

уста-мусаввир Рустам Худойбергандон ижодий фаолияти давомида яратган 34 та асар қўйилган бўлиб, улар асосан портрет ҳамда тарихий манзара жанрларига мансуб мойбўёқ тасвирлари-дан иборат. Айниқса, маҳорат билан мукаммал ишланган «Амир Темур», «Композитор И. Акбаров портрети», «Зухра опа», «Ҳамшира», «Кекса деҳқон», «Хивада куз», «Жума масжиди минораси», «Чор минор», «Ичан қалъа деворлари», «Афросиёбада баҳор», «Исмоил Сомоний мақбараси», «Тунги Хива» ўзининг нафис тасвири, ранг-туслар уйғунлиги, бадий услубий жозибаси билан аж-ралиб туради.

Баҳром ТОЖИБЕВ.

Тошкент шаҳар суди залида она ва бола қотиллари Ботир ва Меҳридинлар устидан суд ҳукми ўқилди. Улар энг олий — ўлим жазосига ҳўкм этилди.

Ботир Жумаев 1989 йили Нурия Алибоева билан турмуш қурди. Улар 1995 йилин сентябрь ойига қадар Бухоро шаҳридаги туқимачилик ҳиссасдорлик жамияти ётоқхонасида яшади.

Сабобисиз оилавий жанжаллар Тошкентга келганларидан кейин ҳам давом эта-верди.

Қўнларнинг бирида Ботир ҳамшахри — бухорилик Меҳридин Равшанов билан топишди. Бу ерда ўзлари мардикорлик қилаётган Со-бит акага қарашли бўлган уйда яшаш бошлади.

Мудҳиш воқеа шундай бошланди. Ўша кун Меҳридин таниши Еленаникига бориб, кайф билан уйга қайтди. Ботир яна бир ши-

Ҳўкм

ОЛИЙ ЖАЗО

ша арақ очди. Шунда Ботир Меҳридинга берган 2 минг сўм қарзини топиб беришини сўрайди. У «Ҳозир илоҳи йўқ», — деган жавобни ашитган, «Бўлмаса хоти-нимдан қутулишимга ёрдам берасан», — деб хотини Нурияни ўқдиришни таклиф этади. Меҳридин аввалига қўнамайди. Аммо Ботир қар-зидан воз кечиб яна устига пул ҳам беришини айтгани-дан кейин розилик беради.

Тўнги соат бирларда қў-зи қонга тўлган Меҳридин ва Ботир хонилар Ботирни қасддан ўлдириб, унинг мол-мулкига ғала бўлиш ния-тида ўзаро жиноий тил би-риктириб, қўзланган режа-ларини амалга оширишди. Қотиллар Нурияни қойшаб-га ўраб Собит аканинг ма-газини ичига қўйишди. Сў-нгра уйга қайтиб ўн бир ой-лик Жамшидин ҳам қиш фаслида раҳмисизларча Чи-лонзор тумани 10-даҳаси, 9-уйининг ёнига ташлаб, унинг ўлимига сабабчи бўладилар.

Улар режага асосан гўё ўша кун Нурияни турман болалари билан поездага ку-затиб қўйганликларини уйдагиларга айтишди. Ам-мо Нурия уйига келмаган-лигидан сўнг Чорқўй шаҳ-рига кетиб қолган бўлса ке-рак дейишади.

Аммо она ва боланинг руҳи ёвуз ниятти отани ти-ни қўймайди. У ички азоб-ларга дош беролмай ички ишлар ҳодимларига ҳаққа-дан ҳам хотини Нурия ва фарзанди Жамшидин Меҳ-ридин билан бириг ўлдир-гани ҳамда уни магазин ичи-га қўнганлигини айтди...

Қўнмиш-қидириш де-ганларидек, ҳаётдан қўз юм-ган она ва боланинг уюли-тутмай қўймади. Қотиллар қилимишга яраша жазосини олди.

Нажиддин ШАЙХОВ,
Чилонзор тумани
прокурори ёрдамчиси,
Очил ҲАЗРАТОВ,
журналист.

Бош муҳаррир

Эркин ЭРНАЗАРОВ

ЮРАФИДА ИЖОД ОЛОВИ

«Оқшомнинг кўп йиллик жонқуяри Ис-кандар Раҳмон 60 ёш-га қирди. Умрининг қирқ йиллини Қўроллик Кўчлар сафида шифо-кор сифатидаги хизма-тини сидқидилдан ўт-ташга бағишлади. Айни пайтда истефод-даги тиббий хизмат подполковниги, соғ-лиқни сақлаш аълоҳиси Ис-кандар ака бир лаҳ-за бўлсин бадийи-и хохолдан тинмайди. Унинг илк шеърлари Ўзбекистон халқ шо-ири, раҳматли Байратий назаридан ўтган. Ис-кандар Раҳмон ўзининг жушқин ижодий фаолиятида мардлик-ни, ватанпарварлиқни мадҳ этувчи шеърлар,



хикоялар, очерклар ёзди. Ижодкорнинг «Меҳрибон-лар», «Дардинг билан яшайман, дунё» қиссалари, «Ўзбекистонлик ши-фокорлар уруш йиллари-да», «Оқ либосли халос-корлар», «Оловли гўлдас-та», «Йўллардаги гуллар», «Ўзбекистон аскарлари-

миз!» сингари ўндан зиёд насрий ва назмий тўпла-лари чоп этилди. Ўшбу ки-тобларнинг бош мавзуси жангхўларда, тинч меҳ-нат жаҳдаларида мардлик ва жасорат кўрсатган юрдошларимиз, муста-қил ватанимиз тинчлиги-ни қўриқлаётган ўғлонла-римиз садокатидир.

Искандар Раҳмоннинг «Ассалом, Тошкентим!», «Махаллам», «Муқаррама-хоним йўнаса», «Ўзбеки-стон аскарларимиз», «Учу-чилар қўшиғи» сингари йигирмага яқин қўшиқла-ри таниқли хонанда, ба-дийий жамоалар томони-дан ижро этилиб, халқи-миз эътирофига сазовор бўлди.

Қуйида унинг ижод на-муналаридан ўқийсиз.

ОНА ШАҲРИМ

Эй, қўна, дийрим, она Тошкентим,
Утмишда номин Чо, гоҳи Шош кентим!
Бинкенту Банокат, қўзи ёш кентим,
Этилган, синмаган, боши тош кентим!

Искандар, Чингизлар босган элини,
Қутайбо соғурган қўкка қулини,
Қизиллар доғлаган қўксин, дилини,
Тиригилан қайтадан, берган дош кентим!

Буюк Ипак йўли, қарвонлар ўтган,
Темирдайд, Бобурдайд ҳўқонлар ўтган,
Навий ва Жомий қадами етган,
Эзулгил ишларга бошу қош кентим!

Йўмонни мустаҳкам, сабр-бардошли,
Қўн-тўн қолдузли, ойли, қўйшли,
Қаторда нори кўп, дўстли, қардошли,
Бағри кенг, юраги ўт, оташ кентим!

Марказий Осиё кенг дарвозаси,
Тинчлик ва дўстликнинг соғ андозаси,
Оламга таралган шан, овозаси,
Истиқлол руҳи-ла обод, ёш кентим!

Самарқанд, Бухоро, Хива, Хоразм
Шаҳридай жаҳонда машҳури ази,
Ҳар битта даҳаси минг нагр, назм,
Бағрида яшар ҳўр кекса, ёш кентим!

Юраги тўрида Навоий, Темур,
Дилида адолат, жасорат, сурур,
Атрофга сочиб нур, мардона турар
Пойтахтим ва бахтим, тўнғич, Бош кентим!

Қўрқингдан, бўрқингдан ўргилай ўзим,
Соҳуларни попуғим, юзи қирмизим,
Ўш саккиз минг олам ичра ёлғизим,
Давлатим, савлатим, гўзал Тошкентим!

Қалбимда қўш уриб, илҳомий қудрат,
Таърифнинг қўйлашга айладим журъат,
Самандар дийрим, гўзал Тошкентим,
Искандар дилида ғазал Тошкентим!

ТИЖОРAT XАBAPPAPI BA ЭЪЛОНPAPI

Азиз ҳамшаҳарларимиз ва пайтахтимиз меҳмонлари диққатига!



лаҳзада пуллик лотереясида ўз омадингизни
синаб кўринг. Сизни ҳар тўртинчи чиптада
100 сўмдан 100.000 сўмгача пул
ютуқлари кутмоқда!

Энг омадли ишқибозларимизга эса


500.000 ва 1.000.000

сўмлик пул ютуқлари мунтазирдир!

1000 сўмгача бўлган пул ютуқлари лотерея чипталари
сотилаётган жойнинг ўзида таркатувчилар томонидан тўланади.
5000 сўмлик ва ундан ортиқ пул ютуқларини олиш
учун эса Ўзбекистон Ҳақ банкнинг Тошкент шаҳридаги
исталган бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

ТОШКЕНТ «СУВСОЗ» ТРЕСТИ абонентларга сув қувур-канализация хўжалиklarини 1997-1998 йиллар қиш мавсумида фойдаланишга тайёрлаб қўйишни ТАВСИЯ ЭТАДИ БУНИНГ УЧУН ҚЎЙДАГИЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:

Сув қувур ва канализацияни ҳар эҳтиомолга қарши
таъмирлаш;
вакцинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш;
очик ётган сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи
узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.
Қиш шароитида фойдаланишга тайёрланмаган сув қу-
вур-канализация хўжалиklarини қўшимча оғохлантириш-
сиз шаҳар сув тармоғидан узиб қўйилади.
Бир йўла сув ҳақини ўз вақтида тўлаш лозимлигини
эслатамиз.



ХОВЛИ СУВ ҚУВУРЛАРИНИ ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ

Ховли сув қувурларининг тик қувурларини қиш мавсу-
мига иситаётганда қувурнинг ташқи сатҳи — тик қувур
ва иситишчи материал оралиғида 40-60 миллиметр бўлиқ
қилиш лозим.

Майдаланган сомон, куруқ қилиқ, қурмаган ўт ва бошқа
иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материалли
бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Иситиш материалларининг қалинлиги камида 30-35 сан-
тиметр бўлиши керак.

Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қа-
лин қўғоз ва бошқалар қўлланилади.

Водопродов тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч
билан ўраб чиқилади ва бўш қолган оралиқда қи-
пик тўлдирилади.

Қўпинча вентиляция салынган ишдан чиқиб, сув ис-
сиқлигини сакловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун
вентиляция тағида тунука ёки шифер бўлиши, уни ёғоч
қопламдан ташқарига чиқариб, бирмунча нишаблик билан
ўрнатилган лозим. Ўғохнинг усти очилиб, ёпиладиган
қопқоқ билан ёпилиб, вентилятор маховити учун тўйуқ
қолдирилади.

Сувдан ва шаҳар канализациясидан фойдаланганлик
ҳақини ўз вақтида тўлашни

ЭСЛАТАДИ

Қарз бўлган ҳолларда сув қувури қўшимча оғохланти-
ришларсиз узиб қўйилади.

Челпанов Тумани Вағарин Кинотеатри

бизнесга жойлашган оқшомга

видеохизмат кўрсатиш студияси

Сизларга сифатли ва энг арзон шарҳда

қўйидаги хизматларни тақдир қилади:



Баждарилган иш
учун хизмат ҳақи
турли кўринишда.

Ҳаётингиздаги энг бахтли дамлар Сиз билан бир умрга қолади.

Металл эшиклар тайёрланади ва ўрнатилади.
Тел. 74-76-07.
68-18-57, 78-21-74.

Юнусобод даҳасининг 1-мавзунисидagi уч хонали квартира

сотилади

Тел: 65-28-33,
24-71-94.

Ишчилар шаҳарчасида сув билан 4 хонали уй

сотилади

Тел: 21-31-73.

• тўй, юбилей ва тантанали

маросимларни аъзо ва

сифатли даражада видео-

таъсирга тушириш;

• видеотасвирдан нусха

кўчириш, кўнайтириш,

таъсирга овоз ёзиш ва

музыкали безаш.

«Тошкент оқшом» га-

зетаси тахририяти жамоа-

си ёзувчи, журналист

Махсуд Қориевга ораси

МУАЗЗАМА аянинг

вафоти муносабати билан

чўқур таъзия изҳор қила-

ди.

ДУШАНБА, 3

ТЕЛЕТОМОШАБИНАЛАР

Профилативча муносабати билан 3

ноябрда УЗТВ 1 кўрсатуви соат

17.55 да бошланади.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.10 Болалар учун. «Ораста

қийинайлик».

18.30 «Олам ва одам».

18.50 «Шарқ тароналари». 23-

кўрсатув.

19.10 «Мен буюк юрт ўғлидур-

ман...» Гроссмейстер Рустам Қосим-

жонов.

19.25, 19.50, 20.25, 20.55,

22.50, 23.40 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 Биржа ва банк хабарлари.

20.10 Оқшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.00 «Буюк келажак сари».

21.20 Бухорининг 2500 йиллигига

бағишланган байрам концерти (так-

рор).

22.55 «Ўзбекистон ва жаҳон».

23.15 «Бастакор илҳом».

23.45 «Ахборот».

00.10 «Жаҳон кинеси юлдузлари».

00.30—00.35 Ватан тимсоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 Кўндалик.

18.15, 19.25, 19.50, 20.25 —

Эълонлар.

18.20 «Ерилотш». Мульттўплам.

18.35 «Спорт қитъаси».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Туризм ҳақида».

20.10 «Мусликий дақиқалар».

20.30 «Ахборот».

20.55 Оқшомлар ва Эълонлар.

21.15 «Киноингоҳ».

22.05 Кўндалик.

22.15 «Спорт қитъаси».

23.15 «Санта-Барбара». Телевизи-

он бадий фильми.

00.05—00.15 Кўндалик.

17.55 Янгиликлар.

18.00 «Гарри — қор одам». Қисқа

метражли телевизион фильм. 1-се-

рия.

Россия жамоат телевидениеси.

18.20—21.35

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

Россия давлат телевидениеси

22.00—22.25

22.25 Эълонлар.

23.30 «Икки шахар қиссаси». Ба-

дий фильм (Англия).

24.00—00.20 «Ахборот» (рус тили-

да).

17.10—18.45 Туркия телеви-

дениеси.

18.45 «Мультикарусель».

19.00, 21.35 Эълонлар.

19.05 «Кўнгли синиклар мактаби».

Телесериал.

19.30 «Дилар».

20.00 «Жаҳон».

20.20 «Уйр бақори».

20.35 «Рақурс».

21.05 «Спорт-тайм».

21.40 «БМТ: ислохотлар йўлида».

22.00 «Рақслар қанотлида».

22.30 «Итхосиз». Бадий фильм.

23.15—23.25 «Хайрли тун!».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.10 Болалар учун. «Санъат гу-

налари».

18.30 «Замин фидойилари».

18.50 «Халқ саломатлиги йўлида».

19.05 «Ўзирбо».

19.25, 19.50, 20.25, 20.55,

22.50, 23.30 — Эълонлар.

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Биламиз-у, аммо...»

20.10 Оқшом эртақлари.

20.30 «Ахборот».

21.00 «ХИ аср бусағаси».

21.20 «Ханлар 2500 йиллигига

бағишланган байрам концерти (так-

рор).

22.55 «Адолат». Ҳуқуқий-публици-

стик кўрсатув.

23.15 «Вазият».

23.35 «Уйғоқ» кунлар.

Киноқўрсатув.

00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

18.00 Кўрсатувлар дастури.

18.05 Кўндалик.

18.15, 19.25, 19.50, 20.25,

20.55 — Эълонлар.

18.20 «Ерилотш». Мульттўплам.

18.35 «Палитра».

18.50 «Доёиче Велле» тақдим эта-

ди.

19.10 «Нафис мажлислар».

19.30 «Ахборот» (рус тилида).

19.55 «Табиат дунеси».

20.30 «Маҳаллада дув-дув гап».

Бадий фильм.

21.55 «Автосалтанат».

22.05 «Нафосат гулашани».

22.35 «Хуқуқ ва бур».

22.55 «Бу ажиб дун».

23.10—23.20 «Хайрли тун!».

17.55 Янгиликлар.

18.00 «Гарри—қор одам». Қисқа

метражли телевизион фильм. 2-се-

рия.

Россия жамоат телевидениеси.

7.30—9.00

18.20—21.35

21.35 «Қорачингил». Телефильм.

Россия давлат телевидениеси.

22.00—22.25

22.25 Эълонлар.

22.30 «Оқ бурлар». Бадий фильм

(Омения).

00.10—00.30 «Ахборот» (рус тили-

да).

17.10—18.45 Туркия телеви-

дениеси.

18.45 Кўрсатувлар тартиби.

18.50 «Мультикарусель».

19.05, 21.45 Эълонлар.

19.10 «Санта-Барбара». Телевизи-

он бадий фильми.

19.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».

20.10 Мусликий дақиқалар.

20.15 «Солиқ ҳақида сабоқлар».

20.30 «Дурдаршан» телекомпани-

ясининг кўрсатувлари.

21.00 «Янги иқтисод».

21.20 «ТБ-IV да немис тўлқини».

21.50 «Уйингоҳ».

22.20 «Телеташриф».

22.40 Мусликий дақиқалар.

22.45 «Европа манзаралари».

23.05—23.15 «Хайрли тун!».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.

18.10 «Гарри — қор одам». Қисқа

метражли телевизион фильм. 3-се-

рия.

Россия жамоат телевидениеси.

18.20—21.35

21.35 «Кругозор». Тележурнал.

Россия давлат телевидениеси

22.00—22.25

22.25 Эълонлар.

23.30 «Икки шахар қиссаси». Ба-

дий фильм (Англия).

24.00—00.20 «Ахборот» (рус тили-

да).

17.10—18.45 Туркия телеви-

дениеси.

18.45 «Мультикарусель».

19.00, 21.35 Эълонлар.

19.05 «Кўнгли синиклар мактаби».

Телесериал.

19.30 «Дилар».

20.00 «Жаҳон».

20.20 «Уйр бақори».

20.35 «Рақурс».

21.05 «Спорт-тайм».